

Шароф Убайдуллаев

**НАЗИР САФАРОВ**

(Ёзувчилишг публицистик ижоди)

Убайдуллаев Ш.

Назир Сафаров (ёзувчининг публицистик  
ижоди). Адабий портрет. Т., Адабиёт ва санъат  
нашриёти, 1976.

Назир Сафаров — ўзбек прозаси, драматургияси, публицистикасига ажойиб асарлари билан катта ҳисса қўшган етук санъаткорларимиздан бирни. Ёзувчи прозаси ва драматургияси ҳақида бир қаинча илмий тадқиқотлар ёълон этилган. Ушбу китобда Назир Сафаровнинг асосаи, публицист сифатидаги адабий портрети, унинг халқ билан яқинлиги, одамларининг ташвиш ва қувончларига шериклиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Убайдуллаев Ш. Назир Сафаров. Лит. портрет.

8Уз2

X  $\frac{70202-71}{352 \text{ (06)}-76}$  139-76

©Faafur Gulom nomidagi Adabiёт va sanъat nashriёti, 1976 й.

## ҲАЁТ БҮЁҚЛАРИ

Бундан ўн йилча муқаддам Учтепадан бир материал ёзиш мақсадида газета топшириғи билан Жиззахга бориб, район партия комитетига кирдим. Мен учрашмоқчи бўлган партия ходими эрталаб Жданов номли колхозга кетган ва ҳали қайтганча йўқ экан... «Колхозга борсам топармиканма?» деган хаёл билан аввал идорага телефон қилдим. Телефонда керакли ҳеч кимпи тополмадим. «Райком секретари сизлардами? Ҳали-бери қайтмасмикан, билмадингизми?» деган саволга, идора қорувули: «Қачон қайтишларини билмадиму... раисимиз бир тўп меҳмонлар билан эрталаб «Учтепа» массивига кетганлар, қачон қайтишларини билмадим. Ҳамқишлоғимиз — ёзувчи Назир aka келганлар...» деб қолди.

Жуда соз, йўлимиз бир экан, балки ўша срда учрашармиз, деган ниятда Учтепага жўнадим. Учтепанинг ҳозирги манзараси бизга таниш. У Жиззахнинг мўл ҳосилли пахтачилик участкасига айланган. Унинг пахта хирмони чилига минг тоиниаб тарози босади. Бу ерда гектаридан 50-55 центнердан пахта етиштираётган ажойиб пахта усталари бор. Шундай қаҳрамонлардан бирини излаб бориб, «Учтепа»

массивининг қуи қисмидаги галлазор билан туташиб кетган тепалик ён багрида турган «Газик» машина ва бир неча одамниңг қорасига кўзимиз тушди. Бир неча одамлар орасида баланд бўйли, соchlари икки томонга ёйилиб кетган Назир aka нималарнидир гапириб турарди.

Ушанда ёзувчини яқиндан биринчи кўрнешим эди. Бироқ, Назир akaши бир кўргандан доқ ташиш мумкин эди. Ёзувчининг балацда ва пурвиқор гавдаси салобатини янада ошириб турарди. У деярли барча суратларидаги каби бирмунча содда ва мулоим жилмайиб ва айни пайтда, кўз хоналари чуқур ўйга толгандай турарди. Айниқса, нотаниш, биринчи учрашган кишига жуда қадрдон боқар ва дарҳол меҳр улашиб, устма-уст қувноқ гап отиб, жавобини очиқ табассум билан тинглаб турарди.

Иттифоқо, бахтимга бу ерда тўплланганлар даврасида мен яхши билалиган кишилар ҳам бор эди. Назир Сафаров сехри ва салобати билан обради бўлди.

Кол ташланиб турарди.

Учтепанинг ҳали ўзлаштириб улгурилмаган чақир тиканак чўл қисмида, тепалик ёп бағрчада улкан ёзувчи ва ажойиб инсон—Назир Сафаров билан яқиндан танишдим. Ўша тақир чўллар ва шу ғариб тепалик бир замонлар ёш Назирқул учун бошпана — Ватан бўлганлигини илк дафъя ёзувчининг ўз оғзидаи, ўз ҳикоясидан тингладим.

Орадан бир неча вақт ўтиб, ёзувчиликни «Кўрган-кечирганларим» қиссаси қўлимга тушиб қолди. Шундагина бу воқеаларниң тарихига ва ижтимоий аҳамиятига тушуниб етгандек бўлдим ва дарҳол ёзувчининг ўз ёшлиги ҳақида битған сўзларини эсладим:

«Хиёл ўтмай қовун бозори одамга тўлди.

— Оғайнилар! Бўлар иш бўлди, энди ишни охирига етказиш керак. Мулла Хидир мичгбоши маҳкамасига ҳайданглар! — деб қичқирди аллаким. Отлиқлар от қўйиб, пиёдалар чопа-чопа катта мингбоши маҳкамасига етиб боришди... Жиззах кўчаларнда, бозор бошида ҳатто ҳайит кунларида ҳам шунчалик кўп одам тўпланганлигини кўрмагандим. Қўлида калтакми, болтами, ҳар қатай бирон яроқ бўлмаган одам йўқ.

— Оғайнилар! Мингбоши ўлиб, кал ҳокимтирик қолса бизга кун берармиди! Бешқувурга юринглар! — деб бақирди яна ҳалиги одам».

Суворийлар ҳай-ҳайланиб Бешқувурга от суриб кетишади. Пиёдалар улардан қолишмай боради. Халойиқ қаршисидан чиққан кал ҳоким (Рукин), пристав (штабс-капитан Зотоглавов), тилмоч (Мирзаҳамдам), миршаб (Комил) ва уезд ҳокимиининг бошқа лайчалари бошига калтак, тош халқ ғазаби бўлиб ёгилиб кетади. Қўзғолончилар уларни ўлдириб, бир дақиқа голиб чиққашади. Лекин тиш-тирноғигача қуролланган жазо отряди қўзғолончилар бошига мисли кўрилмагаи офат ёғдиради. Солдатлар Жиззах кўчаларида итдек изгири, халқ мулкини талаб, уйларига ўт қўяр, қулай келган жойда аёлларни зўрлаб, эркакларии отиб ўлдиради. «Подшога қарши бошкўтарганларга апа шунака жазо берамиз!» деб ваҳшийларча ҳаракат қилишарди.

Назирқул ҳикояси 1916 йил Жиззах қўзғлони манзарасини нақадар равшан ва ишонарли чизади. Бу ўринда ёш Назирқулнинг бошидан ўтган воқеалар, унинг кўрган-кечирганилари ўша машъум кунларнииг кўзгусига ўхшайди. Ёзувчи тарих учун гувоҳлик берибгина

қолмай, балки уни картиналарда күрсатади, штрихларда чизади, фактлар билан асослайди, ишонтиради...

Жазо отряди халқын «Учтена» ва «Қили» чўлларига сургун қилиш арафасида аёвсиз ўқ-қа тутади. Отишма пайтида халқининг не кўйга тушганини кўринг:

«Кетма-кет милтиқ отилди. Кампирининг гапи оғзида қолди. Тепамиздан ўқлар визиллаб ўта бошлади.

— Қочавер, ўлдинг!

Қаёққа қочиб бўлади? Олд томонимиз ча-калақзор, орқада баланд пахса девор»<sup>1</sup>.

«Кўйиб юбор, кўй дейман сенга, оқпадар!— этагини силтаб торта бошлади чол. Кўйвормадим. У мени судраб лойхона лабига чи-қиб олди. Бир вақт қарасам, сўфининг яктаги мешниг қўлнида, ўзи йўқ...»<sup>2</sup>

Солдаклар бирон ослла еки каттанинг урнидан туришига йўл қўймасди. Бирон киши ўрнидан турар экан, дарров унга милтиқ тўғрилчадар эди...

«Андишар таш қиласан кишини утирган урнида ҳожат қилинга рухсат!»<sup>3</sup>

Мен бу ҳикоялариниң асл мағзини ёзувти Назир Сафаровдан бир вақтлар «Учтепа» чўлиниң қоқ бағрида, ўша уннутилмас учрашуви-мизда эшитганимни эслайман. Дастреб бу воқеалардан ана шундай хабар топгандим. Ке-йинчалик эса, мана, китоб саҳифаларида бир-мунча тартибга тушган, бадиий сайқал тоиган ҳолда ўқидим. Таққослайман. Ҳаёт ва тасвир нақадар бир-бирини тўлдиради:

<sup>1</sup> «Қўрган-кечиргандарим», 1968 йил, 153- бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 156-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 13-бет.

«Саратон. Жазирама офтоб. Кеңг күча. Тупроқ болдирга уради. Солдатлар дарғазаб. Одамлар подаси тошқин дарё сингари чайқалиб оқарди. Пиёда солдатлар одамларни уриб-суреб ҳайдар, отлиқ казаклар эса кўчанинг иккни қанотидан от чопишиб, ялангоч қиличларини одамларнинг бошларида ўйнатиб, даҳшат солиб югуришарди... Минглаб оломон ҳаракатидан, отлар туёғи остидан кўтарилаётган тўзои орасида кишилар бир-бирларини кўролмасдилар. Солдатлар: «Жур! Айда!» деся бақиришар, ёш гўдаклар ҳолсизланиб: «Сув! Сув!» деб инграшар... Меп онамнинг этагидан маҳкам ушлаб оқсоқланиб борардим...»<sup>1</sup>

Тарихий манбалардан маълумки, «Оқ подшо ҳазратлари» Жиззах аҳолисини дастлаб ёппасига қириб ташлаш ҳақида «фармонп олий»га имзо чеккан эди. Кейинчалик бу жазо халқни бийдек чўлга умрбоқий бадарға — сургун қилишдек «шафқат» билан алмаштирилди. Бироқ, озиқ-овқат ва сувсиз «Учтепа» ва «Қили» чўлларига бадарға қилиш отиб ташлашдан ҳам оғир ва бешафқат жазо эди. Отилганда бир ўлим, чўлда эса кунига минг ўлим кутарди. Оқ подшо бизга қўрғошин ўқини ҳам ҳайф кўрганга ўхшарди»<sup>2</sup>.

Китобдан ушбу сатрларни ўқир эканман, беихтиёр ёзувчи билан Учтепадаги учрашувимиз ва ўша унутилмас суҳбат ёдимга тушади. Назаримда, ёзувчи ҳамма гапларни ўшандәёқ айтиб улгурган, энг муҳими, воқеаларнинг макон ва замонини аниқ чизиб берганди. Ҳаёт бўёқлари! Нақадар жонли ва ишончли! Мача ўша бўёқлар:

---

<sup>1</sup> «Кўрган кечирганларим», 1968 йил, 184- бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 189- бет.

— Онам бошоқдан битталаб эзғилаб олинган буғдойдан қўғирмоч қовуриб бир кафт-биғ кафт берар экан, ҳар биримизга уқтиарди: «Баднафслик қилиб, қўғирмочни бирданига еб қўйманглар. Бир дона-бир донадан оғизларингга солиб, шимиб-шишиб, сўнгра чайшасаларингиз ҳолвайтар егаидек маза қиласизлар. Кечгача бундан бўлак овқат йўқ».— Онам шундай дерди-да, ҳар биримизга бир қултум-бир қултум сув ичиради. Сув таъмсиз, лекин қани энди шу сувдан бир косаси бўлса!

Чўлда гимирлаган жон борки, ҳаммаси нафс гамида овора! Бу одамлар орасида ҳафталааб нон юзини кўрмаган ва иссиқ овқат емаганлар кўп эли. Сургундагиларниг бирдан-бир емиши қўғирмоч бўлиб қолди. Бир эмас, бир неча қозонда аёллар қўғирмоч қонуради.

Назаримда. Назир ога буидан ярим аср муқалдам қазилгап ўчоқларининг, қамишдан тикланган капалариниг ўринин топсанда ойнадиган кунбогонлар ва нигоҳини бир нуқтадан узмай, яна ҳикоясини давом эттиради:

— Сувсиз, озиқ-овқатсиз, бошпанасиз чўлбиёбонда одамлар бошда гангиб қолган бўлсалар-да, кейин яшаш учун кураша бошладилар. Одамлар қаёқларданdir қамиш орқалаб келиб, капалар қуришга киришиши. Турган жойимиздан беш-олти чақирим нарида «Тўкирсой» деган қамишзор борлиги маълум бўлгач, бир гала одамлар билан дадам, акам, поччамлар ўша ёқка қараб йўл олиши. Биз бир гала болалар бўлиб машоқ, ўтин тергани кетдик. Бир фурсат тиним йўқ. Сувсаб-ҳориб, оёқ-қўлимиз тиканга тўлиб, бир этак-ярим этак бошоқ териб қайтдик. Кунботар чоқда қамиш

кўтариб дадамлар ҳам қайтишди. Кетмон, ўроқ йўқлигидан қўллари ажда-ажда бўлиб кесилган, афт-ангур ва кийимлари қип-қизил қон эди...

Сургундаги ҳаёт, чўл азоблари, «тирикчиликнинг тошдан қаттиқ кунлари» ҳақидаги саҳифалар ўқувчидаги кучли таассурот уйғотиши шубҳасиз. Биз ўн бир ёшли ёш гўдак (Назирқул) нинг ва на биргина Назирқул, унинг ўнлаб, юзлаб тенгқурлари, ўша даҳшатли сургун кунлари ва азобларини бошдан кечирган кишиларнинг, умуман, инсоннинг иродасига қоийил қоламиз.

Сафар тақозоси ва баҳтли тасодиф билан суҳбатни ёзувчининг ўз тилидан, ўша машъум воқеалар кечган жойнинг нақ ўзида тингланда «Учтепа»нинг ҳар қарич ери, ҳар сиқим тупроғи минг-минглаб бегуноҳ кишиларнинг, маъсум гўдакларнинг кўз ёшига қорилганини тасаввур қилиш қийин эмасди. Қачонки, «Кўрган-кечиргандарим» кигоби қўлга тегиб, бу воқеалар бутун фожиаси билан аён бўлгач, мен ўшандаги ёзувчи сочиға оқ оралаган, ёши 60 дан ошган чоғида умрининг оғир кунлари ва хотиралари кечган бу кўчаларда ярим асрдан сўнг нималар излаб кезганини ҳис қилдим. Воқеалар тиниб, маълум вақтдан сўнг ўзининг мукаммал бадиий ифодасини кутарди. Ёзувчи ўз ёшлигини — болалиқ кунларини ахтарарди. Ёзувчи, у кунлар кандай ўтмасин — хоҳ қувнок, хоҳ ғамгин — барибир умрининг унуглилар, доимо ўзига чорлагувчи, кексаликда, ундан узокроқ кетган сайин ўзига оҳанрабодек тортувчи маъсум кунларни сўроқларди. Чўллар ўзгарган, йўллар ўзгарган, давр ва замон тубдан ўзгарган, лекин тарих тарихлигича турар, у ёзувчи кўз ўнгидан бир-бир ўтиб, қитоб саҳифаларига тушиб борарди.

Орадан беш йил ўтиб, «Қўрган-кечирганларим» давоми — «Наврўз» романи<sup>1</sup> ўқувчилар қўлига тегди.

Бу икки асар воқеалари тарихий шажара жиҳатидан бири иккинчисининг давоми бўлса-да, айни пайтда улар орасида «ўтиб бўлмас» чегара йўқ. Асарлар қадам-бақадам бир-бирини тўлдириб боради. Биз «Наврўз»да ҳам Жиззах халқининг аянчли қисматини Назирқул кўзи билан кўрамиз. Бу тасвир бизга жуда яқин, бўёқлари таниш ва ошно:

«— Ухла, кўзим.  
— Нега ўзингиз ухламаяпенз?  
— Ухла, мен ҳам ухлайман.  
— Ўйқум келмаса нима қилай.  
— Кўзпигни юмиб ёт!  
— Юмиб ётибман. Ҳадеб анавилар кўзимга кўриняпти.

«Инга үзумнинг кўриниётганлар:  
— Бозор бошида очдан ўлиб ётганлар»<sup>2</sup>.

Он кимнинг ўй насланди мана инчай  
... мурдасида чизнади, аввалио —  
унинг кўзига уйқу келмайди, иккинчи томондан — очдан ўлганилар кўз ўнгидан кетмайди.

Назирқулнинг болалик дўсти — Оқил хонадонига ҳам очлик ўз даҳшатини солган. У Назирқулни кўчала кўриб, унинг елкасига осилиб йиглайди: «Онам ўлиб қолди. Очликдан ўлиб қолди, жўражон!.. Қимсасиз, чироқсиз қоронғу уйда, онам мурдаси ёнида ўтириб тонг оттирдим», — деб куйиниб ҳасрат қиласди Оқил<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Н. Сафаров. «Наврўз», Тошкент, 1973 йил

<sup>2</sup> «Наврўз», 110- бет.

<sup>3</sup> Уша китоб, 176- бет.

Ёзувчи бу деталларни бутун Жиззах халқининг фожиасига туташтирилган էкан: «Жиззахликлар ўлиқ кўмиб улгуролмай қолдилар... ҳамма жойда нои авлиё, ош пайғамбар эди», деб ёзади.

Назир Сафаров Октябрь қуёши, инқилоб нафасини жуда барвақт ҳис этган, уни олқишилаган, жон-тани билан қувватлаган адидир. Чунки, бутун инсоний эҳтиёжи ва ҳаёт йўли билан у Октябрь инқилоби ва улуг Лениндеқ халоскор инсонга муҳтоҷлигини ҳис қилган ҳамда шунга интилган. Ёзувчи ижодида инқилоб тантанаси учун актив курашган биринчи ўзбек революционерларидан икки қўйма образ бор. Уларнинг бири, терма образ — Жайноқ, иккинчisi, тарихий шахс — жиззахлик Ҳайдарбек Абдулжабборовдир.

Жайноқ образи ҳам халққа жуда яқин.

Биз унда ёш Назирқулга таниш бўлган бир қанча Жиззах қўзғолонлари — ҳокимга қарши қўл кўтарган мард кишиларнинг, халқнинг энг оғир кунларида унга ҳамдард бўлган инсонларнинг йиғма образини кўрамиз. У шу хусусиятлари билан ҳаётий, реал шахсга айланади. Самарқандда босмачиларга қарши биринчи отлиқ отряд тузган ва унга моҳирлик билан бошчилик қилган ревком раиси Ҳайдарбек Абдулжабборов<sup>1</sup> ёзувчига шахсан таниш (Самарқанд ўқишидан қайтаётган Назирқул ва унинг шерикларини босмачилар хуружидан сақлаб қолган) шахс эди. Ревком раисининг халқ митингида сўзлаган нутқи ёш Назирқулнинг қулогида муҳрланиб қолади. «Биз Жиззах меҳнаткашлари Ленин бошлиқ

<sup>1</sup> Ёзувчининг «Ҳайдарбек» очеркига қаранг: «Совет Ўзбекистони», 1968 йил, 26 март.

Шўролар ҳукуматига салом йўллаймиз ва унга ишонамиз».

...Мактуб овозга қўйилганда ҳамма қатори ёш Назирқул ҳам барала қўл кўтаради. Бу унинг советлар давлатига тўла хайриҳоҳлиги, Ленин гояларига ёшлиқдан содиқлиги эди.

Езувчи Назир Сафаров йирик полотнода ҳам барча асарларига хос «ҳужжатлиликка асосланиш» тенденциясиغا суюнади. Балки, шу туфайлидир, ёш Назирқул ҳамма ўринда ҳам «мутлақо оппоқ» идеал қаҳрамон эмас. У ҳамма қатори тирик одам, ҳамма қатори хатолари, камчилик ва нуқсонлари бор. Мактабда «қизларининг сочидан тортади», баъзан «дарсларини унутади», «отнинг думини кесган» ўйниқароқ, «кагталарининг гапини ташгани» учун ота-онасидан дакки еган ва ҳоказо. Хуллас, барча ўйниқароқ болалар қатори — оддий ва тўпори. Унинг Мастоной билан бўлган турмуш хатоликларидан ачинамиз. Чуқурроқ ўйлаб қоламиз.

Назир Сафаровнинг «Кўргани-кечирганиларим» ва «Наврўз» трилогияси (ёзувчи З-китобини ёзмоқда)нинг бебаҳо тарбиявий аҳамияти бор. Бу ҳақда сўз юртган Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, филология фанлари кандидати Иброҳим Faфуров гоятда ўринли таъкидлайди:

«Бу асарнинг қиммати шундаки, улар чуқур ибрат руҳи билан суғорилган. У бугуннинг кишиларини чуқур ўйлантирмоги керак. Давлатига эси оғиб, олди-кетига қарамай даранглама тўй қилаётганлар, меҳнат билан то-

пилган об-ош қандай бўлишини билмаган та-  
касалтанглар, бир буханка нон қанча туриши-  
ни ҳали бир марта ҳам эшитмаган, ўзларини  
турли оҳангга солиб, ҳамма нарсадан норози  
бўлиб, лекин бирон фойдали ишни қойил қи-  
лолмаётганлар, дориломон кунларнинг қадри  
ва қимматини ўлчолмаётганлар бу асарлар-  
дан ўзларига катта ҳаёт дарси олган бўларди-  
лар деб ишонаман... Тўғри сўзнинг кучи дои-  
мо зўр бўлади. Мен бу асарлар том маънода  
тўғрисўзлик билан, адабий ва ҳаётий ҳаққо-  
ният билан битилганини таъкидлаб ўтгим ке-  
лади...»<sup>1</sup>

Истеъдодли ўзбек адаби Назир Сафаров 1905 йил 9 январда Жиззах шаҳрида темирчи-  
мисгар оиласида туғилди. У қисман эски мак-  
табда, асосан совет мактабида маълумот ол-  
ди. 1927-1929 йилларда республика пойтахти  
Самарқандда партия кадрлари тайёрлаш мак-  
табида ўкиди. У 1924 йилда Ленин комсомо-  
ли ва 1929 йилда КПСС сафига қабул қи-  
линди.

Ёзувчининг ижодий фаолияти 1926 йил-  
дан—«Зарафшон» газетасида (Самарқанд ок-  
ружкоми ва ижроия комитетининг органи) са-  
ҳифаларидан бошлиди. У 1930-1931 йиллар-  
да Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг  
органлари — «Ишчи» ва «Қизил Ўзбекистон»  
газетасида масъул секретарь бўлиб ишлади.  
1932 йилда Назир Сафаров Ўзбекистон Ёзув-  
чилари союзининг секретари қилиб сай-  
ланди.

1930 йилда ёзувчининг «Янги турмуш учун  
кураш» (Зиёд Сайд билан ҳамкорликда) даст-

---

<sup>1</sup> И. Фафуров. «Ўзбекистон маданияти» газетаси.  
1973 йил, 18 февраль.

лабки публицистик асари майдонга келди. 1916 йилги Жиззах қўзголонининг 15 йиллиги муносабати билан ёзилган «Қора кунлар кўланкаси» китобчаси эксплуатация ва зулм асосига қурилған эски жамиятга нисбатан кучли нафрат уйғотди. Назир Сафаров драматургияда ўзига хос мактаб яратди. «Тарих тилга кирди» (З. Сайд билан), «Үйғониш», «Шарқ тонги», «Ҳаёт мактаби», «Кимга тўй, кимга аза», «Лукаш ботир» драматик асарлари билан кенг ўқувчилар оммасига танилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Н. Сафаров фронтнинг олдингн позицияларида бўлди. Ёзувчи ўзининг жанговар қаламини немис-фашист босқинчиларига нафрат найдаси қилиб қаратди. «Севги», «Сўнгти нафасгача», «Ўқ ўтмас ботир», «Лъвов ҳақида ҳикоя», «Жангчи шопр», «Мардтар», «Тилсимчилар» «Со дою чангаль», «Қаҳрамоннинг тугилиши», «Водиллик қаҳрамон», «Комиссар Қорабоев» ва бошқа очеркларида ўзбек жангчиларининг халқтарининг умумий душманига қарши олиб борган қаҳрамонона курашларини ёрқин ифода этди.

Назир Сафаров Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда социалистик қишлоқ хўжалигининг меҳнат қаҳрамсклари ва новаторлари ҳақида машҳур очерклар туркумини яратти. Биз булар орасида «Қурбонали», «Дон», «Хадича Аҳророва», «Олияхон Султонова», «Саодатнинг қиссаси», «Султон бўзчининг невара-лари», «Раиса», «Даштфан лочини», «Дарға», «Турсуной», «Карвонбоши Мелиқўзи» ва бошқа ўнлаб очеркларни мисол келтиришимиз мумкин. Ёзувчи Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларини излаб, уларнинг унутилмас мардлик

ва жасоратлари ҳақида кўплаб очерк, лавҳалар яратди ва яратмоқда.

Ёзувчи сўнгги йилларда йирик проза жанрида муваффақиятли қалам тебратмоқда. Адаб «Турсуной» очерки асосида 1961 йилда яратилган «Узоқни кўзлаган қиз» қиссасида давримизнинг алоҳида характерларга эга бўлган янги қақрамонларини яратишга мунаффақ бўлди. Ёзувчи қалбида айниқса 1916 йилги Жиззах қўзголони ва Улуғ Октябрнииг оламшумул галабалари ўчмас из қолдирди. Бу ўз навбатида унинг ижодида ҳам акс этди. Хотиралар қаламга кўчди. 1967 йилда тугатилган «Кўрган-кечирганларим» қиссаси ёзувчи трилогиясининг биринчи китобидир. Автобиографик характердаги бу қисса ўқувчиларга манзур бўлди. Ёзувчи бу асари учун Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. «Наврўз» романи ана шу қиссасиning давоми сифатида майдонга келди. Ёзувчи «Кўрган-кечирганларим» трилогиясининг учинчи китоби устида гайрат ва илҳом билан меҳнат қилмоқда.

Ёзувчи Назир Сафаровнинг она-Ватан олдидаги ва ўзбек совет адабиёти тараққиёти йўлидаги катта хизматлари муносиб тақдирланган. У Октябрь революцияси, «Қизил Юлдуз», икки марта «Хурмат белгиси» орденлари, СССР медаллари, ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. Адаб Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси ва республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби деган фахрий унвоилар эгаси.

## «ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ЙУЛЛАНМАСИ БИЛАН

Пойтахтдаги Бутлеров кўчасининг охирги муюлишида олчазор билан қопланган кўк дарвозанинг эшиклари доимо очиқ. Бу ёзувчи Назир Сафаровнинг уйи, ижодхонаси...

Одатда, бир томчи сувдан денгизнинг тъмини билиш мумкин, дейдилар. Ёзувчи характерининг муҳим бир белгисидан унинг бутун ҳаётини тасаввур қилиш мумкин. Мана ёзувчининг суратларидан бири. У яқиндагина «Ёш гвардия» томонидан чоп этилган «Инсон изи» китобига илова қилингган. Назир Сафаров навбатдаги ижодий сафарга отланган каби йўл бошида турибди. Қўлида «Совет Ўзбекистони»нинг бир нусхаси. У бундан қарийб ярим аср муқаллам шу газетанинг топшириклигини бажаришга киришган эди. Шундан бўён неча ўн йиллар ўтди. Ёзувчи ҳамон шу газетанинг «ўз мухбири», энг сара асарларини дастлаб «Со-

«Қизил Ўзбекистон»ни — иккинчи онам биламан, — деб ёзганди Назир Сафаров газетанинг 50 йиллик юбилейи кунларида,— газета бизни ўқитди, маънавий тарбиялади, катта ҳаётга йўллади». Йигирманчи йиллар охирида газетада адабий ходим, масъул секретарь сифатида ўз ижодий фаолиятини бошлаган ёзувчи газета билан ўсади, улғайди. Назир Сафаров турли йилларда газета топшириғи билан командировкаларда, ижодий сафарларда бўлди. Ҳар доим газета топширигини кечиктирмай бажаришга одатланди.

Буни ёзувчининг узоқ йиллик амалий иш фаолияти ҳам тасдиқлайди. Редакцияда бирон муҳим ва жiddий топшириқ билан ёзувчилардан кимгадир мурожаат қилиш зарурияти тў-

гилиб қолгудек бўлса, биринчилар навбатида адиб ва журналист Назир Сафаров ёдга кела-ди: «Бу ишни Назир акага айтиш керак, мате-риал пухта, энг муҳими, ўз вақтида тайёр бў-лади», — дейишади редакциядагилар.

Газетада қарийб қирқ йилча хизмат қил-ган, газета ва журналистик коллективга жуда катта меҳнати сингган Ҳабиб Нўймон, Холбек Ёдгоров, Знёд Исломов, Мақсуд Қорисев, Аҳ-мад Исмоилов ва бошқаларнинг гувоҳлик бе-ришларича, ёзувчининг ўнлаб асарлари ана шундай —газета «доялигид» туғилган эди. «Қурбонали», «Дон», «Олияхон Султонова», «Ҳадича Аҳророва», «Султон бўзчининг нева-ралари», «Раиса», «Мелиқўзи», «Турсуной», «Иккинчи қўриқ» ва бошқа ўнлаб очерк ва публицистик асарлари газета топширифи би-лан ёзилган ва элга манзур бўлган эди.

Танқидчи Умарали Норматовнинг: «... бу-тун ижодий фаолиятнинг давомида журна-листикани тарқ этмаганлигинизнинг сабаби нимада?» деб берган саволига, Назир Сафа-ров: «Чунки, журналистика — ижодкор учун ҳаётга бамисоли бир кўприк. Бундай кўприк-сиз ижодкор ҳаёт сари дадил боролмайди, қайноқ ҳаёт қучогига киролмайди. Ёзувчи ҳат-то узоқ ўтмиш ҳақида ёзганида ҳам кунлалик ҳаёт билан мустаҳкам алоқада бўлиши, уни ҳеч қачон назардан қочирмаслиги керак. Бун-да журналистика мактаби ғоятда қўл кела-ди»,<sup>1</sup> деган эди.

---

1 «Ёзувчи ва танқидчий баҳси». «Ўзбекистон мада-нияти» газетаси, 1973 йил, 30 март.

## ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

— Ҳурматли Назир Сафаровиҷ, бундан бир неча ой муқаддам Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида 100 ёшли дехқоннинг юбилейи кенг нишонланди. Юбилиар — Сосиалистик Меҳнат Қаҳрамони Шермат ота Хидиралиев, унинг сафдош дўстти—30- йилларда Фарғонадан Қўйи Чирчиқ соҳиларига келиб, чўл ва тўқай уридида илк бор шахта экиб дехқончилик қилган Қурбонали ота ва бошқа бир қанча ҳурматли оқсоқоллар сизнинг номингизни миннатдорлик билан эслашганинг гувоҳи бўлдим. Сиз биринчи бўлиб уларнинг ҳаёти ва меҳнатини ёритган экансиз.

— Қаҳрамонларимиз бизнинг камтарин меҳнатимизни унтишмабди, раҳмат. Юратиганинг бир парчаси қаҳрамонинга котади деган гап бор. Бу ҳақ. Қаҳрамонларинг билан баъзан бир дақиқа кўришасану, лекин бир умр улар билан бирга яшайсан...

У қарийб 30 йил бурун кечган ҳаётни ёслаб хаёлга чўмган кўрилади. Мен сўзимни давом эттириб, сұҳбатни «дарз» кетган жойидан уламоқчи бўлдим: — Тасодифан, — дедим ёзувчиини сұҳбатга чорлаб, — ана шу юбилейнинг шоҳиди бўлиб қолдим. Тантана сабабчиси — 100 ёшли Шермат ота бўлсалар ҳам, тантаналарнинг асл моҳияти асрий чўл ва тўқайларни чекинтиришга биринчи бўлиб бел boglab, бу йўлда жонини фидо қилган ўнлаб-юзлаб марҳумлар руҳига ва бугунги кунда яккам-дуккакм ҳаёт қолган шоҳидларнинг қаҳрамонона меҳнати шарафига эканлиги менда катта таас-сурот қолдирди. Ана шу тўқайларга 40—45 йил бурун илк бор ҳужум бошланган ва иттифоқо, сиз, Назир Сафаровиҷ, бунинг бевосита

шоҳидларидаи экасиз. Мен ўша тантанада совхоз директори Жўра Хоназаров томонидап «Қурбонали» очеркининг ушбу сатрларини алоҳида ғурур билан ўқилганининг гувоҳи бўлдим: «Қурбонали аравадан сакраб тушиб, кўлинни хотини томон узатди.

— Бўл, тушақол, Зебинисо.

— Ҳақ, мунча қистов... Вой-вуй... Тушмайман!

— Нега?

— Бу қиёқзорда менинг итим адашгани эмас. Қаерга олиб келдингиз мени? Ахир ваҳиманинг уяси-ку?!

— Кел, тушақол, ваҳиманинг уяси деганинг нимаси. Ер бор, сув бор, сенга яна нима керак?

— Ер, сув бошқа жойда йўқми? Майли, сиз қолаверинг шу ер-сувда... Мен кетаман.

— Қаёққа?

— Юртимга. Фаргонамга.

— Биз Фарғонани шу ерда яратамиз.

...Қурбонали полвон арава устидан қозон, қора чойдиш, икки бўлак кўрпа-ёстиқ, усти яланғоч битта бешик ва қуроқ дастурхонга ўралган бир тугунчани олиб ерга қўйди. Бу унинг кўчи эди.

— Ҳозирча бу қиёқзор сенинг кўзингга ваҳиманинг уяси бўлиб кўриняпти, — деди полвон. — Лекин кўрарсан, кунлар келиб бу ерлар шундай обод бўлсинки... Қиёқларни йўқотамиз, тўқайни чекинтирамиз, пахта кўкартирамиз, уй соламиз, боф қиласмиз. Кел, қўлинингни бер, хотин, тушақол.

Зебинисо юмшали. Қўашни эрига узатди...»

— Ҳа, бу очерк дастлаб 1947 йил, 28 ноябрь, «Қизил Ўзбекистон»да босилган эди.

Тарих ҳақидаги жонли таассурот барчанинг

кўз ўнгига бир зум гавдаланди десам хато эмасдир.

Кимларнингдир кўзида ҳалқа-ҳалқа ёш кўрдим. Шодлик ва севинч кўз ёшлари эди бу. Оғир сўқмоқлардан ўтиб, баланд довонлардан, тақдирнинг оғир ва мاشаққатли йўлларидан мардона юриб, кўзланган порлоқ манзилга етганларнинг севинч ёши эди бу.

— Сиз энди менинг мақсадимни пайқаган бўлсангиз керак, — дейман Назир Сафаровга савол назари билан қараб. — Неча ўн йиллар ўтгач тарих учун шоҳидлик бера олган, давраларда қўлма-қўл ўқилган шундай очеркнинг яратилиши тарихи адабиётимиз учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам эътиборга лойиқлир. Шундай эмасми?

Суҳбат бошлиниади. Хотиралар қоғозга тўкилади

Мен ўша йилларда «Совет Эззокистони»да актив очеркнавис эдим, — деб эслайди Назир Сафарович. — Шароф Рашидов яқинлашса Самарқанд облостя партия комитетининг секретарининг газетага редактор бўлиб келгандилар. Бир кун мени чақириб қолдилар. «Назир ака, бир иттимос, газетамизга шундай бир очерк ёзсангизки, қаҳрамон ўтмишда фирт камбағал-қашшоқ бўлиб, хозирги кунимизда чин баҳтини топган киши бўлса...» Шунча йил очерк ёзиб, мен биринчи марта очеркнинг илмий-назарий ва ижтимоий томони ҳақида ўйлаб қолдим. Юзлаб қаҳрамонлар, таниш-билишлар кўз ўнгимдан ўтар, ҳаммасининг таклири ҳақида ўйлардим. Бироқ уларнинг қайси бирини алоҳидә ажратиб олсам экан, деб қийналардим. Тўғриси, бисотимлаги фактлар ҳали етарлидай эмас, боридаи кўнглим тўлмас, нимадир етишмасди. Очеркда қаҳрамон масаласи шахснинг биографик хусуси-

ятлари ва характер эволюцияси билан жуда боғлиқ әканлигини тушуна бошладим. Мен шунда ҳамма ҳам очеркөсү қаҳрамон бўла-вермаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Қаҳрамоннинг изига тушмоқ, кашф этмоқ лозимлигини ҳис қилдим. Шунда менга бир тасодиф ёрдам қилди.

Собиржон Зокиров деган агроном куёвимиз бор. Ўша йиллар у тўқайда очилган яиги совхозлардан бирида агрономлик қиласарди. Ўша куни уйимизга келиб қолди у.

— Шундай одам бизда бор, — деб қолди Собиржон дабдурустдан.— Рост айтсан, бундан зўрини топа олмайсиз. Қурбонали полвон деймиз биз уни. Кўринг, ёқмаса мени айтди дейсиз.

Шундан кейин Собиржон Қурбонали полвоннинг ўзи билган бир қанча сифатлари билан бирга ҳали билиб улгурмаган ғаройиб томонлари ҳақида жўшиб гапириб берди. Мен қизиқиб қолдим. Юррагимда неча кундан буён тутаб ётган тутуп «лов» этнб олов олгандай бўлди.

— Қачон кўрсатасан, бўлмаса? — сўрадим.

— Истасангиз ҳозир юринг, — деди Собиржон.

Ўша куни Собиржонпинг «полуторка» машинасида ярим кечада совхозга бориб ётдик. Эрталаб турсам, совхоз деганимиз тўқайнинг ўртасига қурилган бир неча лой шувоқли уйлар экан «Бу марказимиз,—деди Собиржон,— Қурбонали полвон тўртичини бўлимда. Беш километрча бор. У ерда аҳвол ҳали оғирроқ. Тўқай...»

Қурбонали полвон деганимиз — Эрматали полвоннинг ўғли бўлиб, девсифат, гавдаси ҳала-ҳула эшикдан кўндаланг сиғмас эди. Гавдасига яраша кучи ҳам борлиги сезилиб ту-

пар, кўришганда бир қўлини икки қўллаб базўр оларди киши. Қурбоналининг икки акаси урушдан қайтмаган, «фашист» номини эшитса безовта тўлганиб, юз-кўзига қоп қўйиларди.

Полвон: «Акаларим бошлаган эди тўқай очишни... Шуларнинг ишини давом эттириб, ўрнини билдиримай деб ишляпман-да»,—деб ўзи ҳақида гапирган бўлди. «Афсус, акаларимдан айирган фашистнинг оғзини йиртиш менга насиб бўлмади. Мана шу тўқайнин йиртиб-йиртиб пахта экяпмиз»,— деди мени пахтаси томон бошлаб борар экан.

Тўқайда уч кун қолиб кетдим.

Қурбонали полвон меҳнатни ҳам қойил қилишини кўрдим. Унинг кетмонини унча-муича одам даст кўтарганда қўли титрамасдан иложи йўқ. Кетмои алоҳида буюртма, ўз таърифи  
бўлди. Бар нудурунни оларди.

Очеркнинг боши, охири, сюжети тайёр, факат упи қоғозга тўкиш қолганди. Мен Қурбонали билан хайрлашиб, редакцияга кайташ

очеркнинг охриди спринчи оулию уқинган редактор Ш. Рашидовга айиқса унинг хотима қисми ёққанди:

«Қурбонали бир пайтлар битта қора қозоп, чойдиш, усти ялангоч бешик ва қуроқ дастурхондан ўзга давлатга эга эмасди. «Бу қиёқзорда менинг итим адашган эмас, қолсангиз ўзингиз қолинг, мен кетаман», деб арава устидга туриб олган Зебинисо ҳозир етти боланинг онаси, пири бадавлат оиланинг онахони. Мактаб юзини кўрмаган ота-онанинг фарзанди Кимсанхон етти йиллик мактабни битирди»...

Очерк «Совет Ўзбекистони»да босилиб чиқди. Қелгуси йили Қурбонали Эрматов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Ўша даврнинг қишлоқ хўжалиги

ва ижтимоий ҳаётдаги энг типик ва энг характерли силжиш деҳқоннинг моддий ва маданий турмушининг тубдан ўзгариши эди. Бу ҳақиқат барча совет кишиларининг ҳаёти ва тақдирига хос бўлса-да, бироқ уни ёрқинроқ, ишончлироқ, таъсирчанроқ ифодалаш учун «энг типик, энг характерли» мисол керак бўлганди. Материални конкрет ҳаётнинг ўзидан оладиган очеркнавис учун бунинг катта аҳамиятга эга эканлигини мен шундай бошдан кечирганмай. Бу фақат биргина очеркнинг саргузашти, холос...

## ТАНҚИДИЙ ОЧЕРКНИНГ ТУҒИЛИШИ

— Бугунги кунида ўнлаб, юзлаб газета ва журналларда кўплаб очерклар эълон қилишмоқда. Ўзбек совет адабиёти очеркнинг бир қанча тури—адабий очерк, портрет очерк, йўл очерки, илмий очерк ва ҳоказо очерклар билан бойиди. Бироқ булар орасида танқидий очеркларни жуда кам учратамиз. Агар янглишмасам, сиз пахтакор Раҳмонали Турсуновнинг тақдирни ҳақида икки марта очерк ёзган эдингиз?

— Худди шундай, ҳар иккаласи ҳам «Қизил»га мўлжалланиб ёзилган ва газетада босилган эди.

— Ана шу икки очеркда бир қаҳрамоннинг икки хил тақдирни ҳақида ҳикоя қилинади. «Раҳмонали ўксимаса бўлади» сарлавҳали очерк («Қизил Ўзбекистон», 6. 1. 1960 й.) да қаҳрамоннинг муҳаббат тақдирни биринчи планда бўлса, иккинчи очерк—«Раҳмонали беҳулага ўкситилди» («Қизил Ўзбекистон», 28. 7. 60) да эса инсоннинг мураккаб ҳаёт йўли

пахтага бағишланган умр ва кутилмаганда рўй берган адолатсизлик ҳақида гап боради. Иккинчи очеркда ҳам биринчи планда қаҳрамоннинг ижобий сифатини кўрамиз. Фақат фарқ шундаки, Раҳмонали биринчи очеркда муродига етган, муҳаббат баҳтидан мамнун, пахтасига фидоий, камтар, меҳнаткашлиги билан кўзга яққол ташланади. Уқувчи иккинчи очеркни бирничи очеркнинг давоми сифатида қабул қиласди. Лекин энді Раҳмонали ноҳақ жазоланган, ишдан олинига... Унинг қисмати ўқувчида ачинарли ҳис туғдиради...

— Бир неча кун ичидагазетада бир қаҳрамон ҳаётидан икки очерк босилиши қизиқ туюлиши мумкин. Лекин бу бўлган воқеа эди. Жиззахдаги Жданов номли колхознинг биринчи бўлиб комплекс механизация йўлига кўчган бригада боштаги Раҳмонали Турсуновнинг даст бўйи менга кўндан дағратманири юради. Мен уни ёшлиқдан билар ва бир қаламкаш сифатида ишини кузатиб борардим. Шу туфайли, Раҳмоналининг пахтасигини комплекс механизацияни туттигани уринишлари ва муҳаббат тақдирини қаламга олганда ҳамма ҳақиқат кўз ўнгимдан ўтиб турарди.

«Раҳмонали ўқиямаса бўлади» очеркида қаҳрамоннинг муҳаббат йўлидаги уринишлари эҳтирос билан тасвирланади. Раҳмонали: «Ёнимда бир мири пулим йўқ, ишқ савлосини менга ким қўйибди?» деб иккеланади. «Йўқ,— дейди яна ўзига-ўзи,— муҳаббат бир бало шайдир, гирифтор ўлмаган билмас...» Оқибат, ёрнинг изидан узоқ-узоқларга «бош олиб, чўл қувиб кетишга» қарор қиласди. Шаҳринисо меҳнатсевар, ҳалол ва пок муҳаббат эгаси Раҳмоналига розилик берар экан: «Ишқ-муҳаббат пул билан, молу дунё билан ўлчанмай-

ди, кўнгил ҳисоб», — дейди. Очерк «ёри билан киндик қони тўкилган колхозга қайтиб, гектаридан 33 центнердан пахта етишираётган» Раҳмоналининг бахтдан масрур эканлиги билан тугалланади. Шундан кейин иккинчи очеркнинг ёзилишига сабаб нима эди?

Бундай савол табиий. Лекин очерк қаҳрамони иогаҳон дуч келгап адолатсиз воқса очеркниң давомини ёзишни тақозо этарди... Нима бўлди-ю, сувчини гафлат уйқуси босиб, гўзага очилгани сув кўчага уриб кетди. Ўша куни қастлашгандай шу йўлдан бир «каттакон» ўтиб қолади. Қарасаки, йўлнинг бир четини сув босиб ётибли. «Кимнинг иши бу?» — дарғазаб сўрайди «каттакон!». Бироқ сувчи ўша заҳотиёқ тубганинг тубига ўзини уриб кетади. Ҳеч қаердан топиб бўлмайди уни. «Кимнинг бригадаси? Бригадирини топинг!» — дейди баттар тувақсан «каттакон». Аксига олиб бригадир — Раҳмоналини ҳам топиб бўлмайди. Бригада катта, ўша йили «Учтепа» массивини биринчи бўлиб ўзлаштиришга тушган Раҳмоналида эрта-ю кеч тиним йўқ. Бироқ ҳақиқий аҳволни «катта»га тушунтиришга биронта одамда тил йўқ, забон йўқ.

— Шу бригаданинг бошлигини ишдан олиб ташланг! — деб раисга топшириқ қиласи «каттакон». — Кетмонга солинг, кўзи мошдек очилсин, токи қайтиб сувчиларга бепарво қараш нималарга олиб келишини билиб қўйсин! Сабоқ бўлсин! — ва ҳоказо, ҳоказо...

— Бир туп ғўза йиқилса, дарров тургазиб қўясиз, лекин бир одам нәҳақ йиқилиб қолса уни суюш қўлингиздан келмадими? — сўрадим колхоз раиси Нарзиқул Аҳмедовдан.

— Иложсиз қолдик... — деб изоҳ берган бўлди колхоз раиси.

— Омилкор, ишchan деҳқонни бригададан

четлатиш билан биринчи навбатда колхоз ютқазяпти-ку? Ғўза айни ҳосилга ўтирган пайт бўлса, Раҳмонали ўзи чигит экиб, ўзи парваришилаб, ўзи жон куйдираётган бўлса, яна нима керак? Ахир қайси кадрнинг қандайлигини, қўлидан нима иш келади-ю, нима келмаслигини колхозга ўн йилда бир келадиган «ката» биладими, эрта-ю кеч шу ерда яшаб, элхалқ билан бирга нафас олиб келаётган сиз биласизми? Бир оғиз ҳақиқий аҳволни тушунтиришга қурбингиз етмадими?

— Хато бўлди,— деди Нарзиқул Аҳмедов елка қисиб. — Шундай бўлиб қолди, Назир ака, оғиз очиргани қўймади. Ҳозир топиб келасан дейди, топилганда, ким билади, нима бўларли.

— Хато бўлди деб елка қисиб қолавериш.— ледим раисга рўйирост,— ҳагони ривожлантириш ташорини демандар. Сиди, акепнча, кечроқ бўлса ҳам бу хатони тузатиш керак.

— О-о бошим кетати! Тоди раисниурест гирифтор қилмоқчимисиз? Қўйинг...

Ҳа, ҳамма гап мана шунда эди — бирорни нима бўлса бўлаверсин, менга тегмасалар бўлди! Фақат ўз курсисини ўйлайдиган баъзи раислар учун бироннинг фожиаси нима деган гап? Унинг бирор билан нима иши бор? У фойдаллап кадрми, уста деҳқонми, колхозга меҳнати сингганми, бунинг нима фарқи бор? «Ката»нинг гали—гап. Шуни бажармаса, ўзига гап тегиб қолиши мумкин. Ҳамма гап мана шунда, ўзига гап теккизмай юрса бўлгани... Раиснинг ички психологияси мана шундан иборат эди. Раҳмоналини ўз ўрнига тикласа колхоз ишига қанчалик наф тегишидан қатъи назар, «боши кетиб» қолишидан қўрқарди. Жамият

манфаатидан шахсий манфаат устунлик қиларди.

Мана шу адолатсиз воқеа иккинчи очеркнинг туғилишига сабаб бўлганди.

— Колхоз рансиининг аҳволини энди тушуниб турибман, Назир Сафаровиҷ. Бироқ, раис ҳар ҳолда ҳақиқат учун курашиши, колхоз манфаатини ҳам ўйлаши керак эди. Онгсиз ижроидан онгли бўйин товлаган афзал, албатта. Раҳмонали, эрта-ю кеч гўзам деб ҳаловатидан кечиб юрса, ишда, ҳаётда ва меҳнатда унга кўмакдош бўлган Шаҳринисо ҳамда бу адолатсизликни кўриб-билиб турган атрофдаги одамлар нима деб ўйлашган экан?

— Мен колхозда бўлганимда бу адолатсизликнинг акси садосини яққол сездим. Ким билан сўзлашманг, ҳамманинг тилида Раҳмоналининг ҳасрати: «Ноҳақлик бўлди, бола бечоранинг шунча қилган хизматлари елга кетди. Колхоздагилар ҳам, юқоридагилар ҳам ким қандай ишляяпти, билишмайди ўзи!» — дейишди кўпчилик. Бу воқеа кўпларда ана шундай норозилик туғдирган эди. Раҳмоналини суриштирдим. «Ҳеч нима бўлмагандай трактор ҳайдаб юрибди, — дейишди одамлар.

Уига ишиниг катта-кичнги йўқ. Фақат гўзага жабр бўлди. Яиги бригадирнинг уига Раҳмоналидай ичи ачиримили?»

Раҳмоналини бир кўриб кетай деб эрта туриб, унинг эски шийионига йўл олдим. Лекин бу ердан топмадим уни. Ошпаз хола: «Раҳмонали шийпонга келмай кўйди», — деди аллақандай хўрсини什 оҳангода.

Ўша маълум сув босган пайкални сўраб-сўраб тоидим. Пайкал бўлиқ кўсак боғлаган, гўзалар яшиаб турибди. Раҳмоналининг иешана терини дарров сездим. «Йашлабди, азamat!»

хәслдан ўтказдим. Пайкал бошидан келаётган тракторга тикилиб қарасам — Раҳмонали, культивация қиляпти. Оббо азамат-эй, кайфияти қалай экан? Яқинроқ юриб бордим. Мени таниб тўхтади, трактордан тушди. Кўришдик. Сал ўтмай пайкал оёғида қизил кўйлак, бошиға оқ ёпинчиг ташлаган аёл кўринди. Таниднм — Шаҳринисо, қўлида термос, бошида тугуича, шитоб билан эгат оралаб юриб келарди... Бу учрашув менда кучли таассурот қолдирди. Оқибат, танқидий очерк туғилди...

## ИЖОДКОР ҚАШФИЁТИ

-- Таңқидчи ва адабиётшунос Умарали Норматов 50-йиллар очеркларингизни таҳдид қиласар экаи, ибратли хулоса чиқариб, ёзди: «Маънав учин кечирасизу, турсуонни, Олияхонни, турсуойчилик ва олияхончилик ҳаратини биринчи бўлиб журналистикада кашф этгай Сиз олингиз. Менни кўнглини маддадораззор, яхудулага ака, ўғилхон ва Раҳимахон каби ҳаёт қаҳрамонларини биринчи бўлиб этга кўз-кўз қиласан сиз эдингиз. Шундай ҳаёт қаҳрамонларини кашф этиб берган бирорта ҳам ёш ижодкорни ҳозирча учратганимиз йўқ»<sup>1</sup>. Назир Сафарович, бу ҳақ гап. Сиз адабиётниизда бевосита ҳаётдан олинган ўнлаб образлар галереясини яратдингиз. Прототип образларнинг ўзига хос тарихи бўлади. Ҳаёт қаҳрамони ўз-ўзидан ёзувчи китобига келиб тушавермайди, албатта. Шу ўринда очеркнависнинг излаб тошиш, мулоқотда бўлиш, танлаш, мушоҳада қилиш, бадиий тўқима восита-

<sup>1</sup> У. Норматов. «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 30 март. 1973 йил.

сида кашф этиш ва бошқа бир қатор ижодий жараён давомида кечадиган сирли «тўлғоқ»-лар оқибат-натижаси ўлароқ янги образ, янги қаҳрамон, янги очерк пайдо бўлади. Ҳаёт материали қай йўсинда эди-ю, ёзувчи «лаборатория»сидан ўтиб, қандай ҳаёт ҳақиқатига — бадиий асарга айланди? Машҳур пиллакор, СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олияхон Султоновани ресмиубликада ким танимайди? Бироқ, сиз уни қаламга олиб, машҳур «Олияхон Султонова»<sup>1</sup> очеркингизни ёзганингизда у оддий пиллакор, тўғрироги, «А. С. Пушкин номли мактабнинг химбиология ўқитувчиси» эди. Қаҳрамоннинг порлоқ келажаги, ёрқин тақдир йўлини олдиндан қатъий белгилаб олишда (ахир бундай ишончсиз қўлга қалам олиб бўлмайди-да) қандай ижодий «сир» яширинган деб биласиз?

— Бу ўринда «яширинган сир» эмас, балки ижод аҳлининг ўзига хос зийрак кўзи, нигоҳи, пайқаш, илғаш, хис қилиши, идрек этиши қобилияти ва айни пайтда сиёсий ҳушёрлиги, партиявий эътиқоди ҳамда ижодий тажрибаси иш беради. Ёзувчининг эмма билан алоқаси ҳакида кўп гап айтилган. Мен ҳам бир мисол айтай, масала анча ойдинлашса ажаб эмас. Бу «Олияхон Султонова» очеркининг яратилиш тарихи билан бөғлиқ.

...Фронтдан қайтгач, бир исча йил социалистик қишлоқ хўжалигимизни тиклаш ва юксалтиришда фаол иштирок этаетган меҳнат қаҳрамонлари ҳақида серияли очерклар ёзишига берилиб кетдим. Айниқса, биринчи навбатда, новатор хотин-қизларни топиш, элга та-

<sup>1</sup> «Олияхон Султонова», «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1953 й.

ништириш иштиёқи қалбимга маҳкам ўрнашганди. Минг түққиз юз эллик учинчи йили ёз ойларида худди шу мақсадда Фарғона водийсига йўл олдим.

Найман марказидаги Киров номли колхозга бир аёл раислик қилар экан. Уни топиб, колхоз ишлаб чиқариши ҳақида узоқ суҳбатлашдим. Гап айланиб Олияхонга келганда раиса ўзгариб бораётганини, ўзини ноқулай сезаётганини ҳис қилдим. Тили Олияхоннинг ишлариши тан олишга мажбур бўлиб турибди-ю, дили негадир фаш.

— Демак, Олияхон Ҳурмат Тешаевани ҳам ортда қолдирипти-да, — дедим ўсмоқчилаб.

— Ҳурмат Тешаевагиз қанчадан олган? — деб сўради ранса.

— Қутисидан 105 килограммдан...

— Ҳа, ундай бўлса анича-мунича ортда қолдириш...

Мен бу зиддиятларини замирини тахмин қила бошладим. «Икки қўчқорини боши бир қозонча үхшамас» дегувинтар эди. Демак, на ишларни ҳам қанчанини ўзини экан-да... Балки бошқа сабабдандир? Бу иккинчи масала эди. Асосий гап -- колхозда қаршилик бўлатуриб, қаҳрамонимиз ишни қойил қилганида. Шунга қойил бўлиш керак. Характери ҳам хўп олов бўлса керак? Ҳаёлимда Олияхоннинг аввало ҳаётий ва сўнгра бадиий образи гавдалана бошлади. Бадиий очеркнинг сюжет линияси пишиб борарди.

Ана шундай таассуротлар билан эртасига Олияхон ишлайдиган Пушкин номли мактабда бўлдим. Олияхон кўрпнишидан сира «олов»га ўхшамас, оғир, босиқ, гапларини вазмин ифодалайдиган, кўк кўз, кулча юзли, сариқ таи жувон экан. Олияхон билан энг сўнгги ҳосилни йигиб олаётган звеноларнинг қуртхонада яшадиган куннинг тарзи таассуротларни таъминлантиришди.

наларида бўлдик. Шу ерда бир нарса сира ёдимдан чиқмайди. Олияхон шилла қурти билан одамдай «сўйлашарди». Раиса ҳақида гап кетса индамай кулиб қўя қоларди. Аммо ораларида зиддият борлиги аниқ эди.

— Очеркда шу зиддият ва умуман бирон жиддийроқ конфликт манзараси сезилмайдику,— сўрайман ёзувчидан,— демак, конфликтдан четлаб ўтилган экан-да?..

— Очерк ёзилганидан бўён орадан қарийб чорак аср вақт ўтди. Энди шу кунларда очеркни қайта қўлга олиб, воқеаларни бир-бир кўздан ўтказиб қарасам, бир вақтлар очеркда драматик ҳолатларни кучайтириш учун бой материал берадиган ҳаётий конфликтларни четлаб ўтганимизни кўраман. Бироқ, булар ҳаммаси тасодифий бўлмай, қонуний ҳол эканлигини очиқ тан олишимиз лозим. Бу ҳол «конфликтсиз»лик назарияси даврининг меваси бўлганлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Бу «назария» очеркларимизга, шу жумладан, барча жанрдаги ҳужжатли асарларга ҳам ўз соясипи ташлаган эди. Ўша даврда яратилган «Ҳаёт мактаби» (1954 й.) драматик асаримда ҳам унинг асоратини сезгайман.

## ҲАЁТ ВА ТАСВИР

— «Конфликтсизлик назарияси»нинг асоратларини очиқ-оидин тан олганингиз учун раҳмат,— миннатдорчилик билдираман ёзувчига.— Бу билан танқидчи ва адабиётшуносларимизнинг ишини енгиллаштирасиз, албатта. Шу билан бирга, ташаббускор хотин-қизлар сизнинг суюкли қаҳрамонларингиз эканлигини яхши биламиз. Суҳбатимиз мавзуи яна шу темага тўхтаб ўтишни тақозо этади. Сизнинг ажойиб совет хотин-қизларига бағишланган

Бир туркум сара очеркларингиз орасида «Раиса», «Онажоним», «Турсуной», «Зулайҳо» ва бошқа асарларингизни қайта-қайта ўқиганмиз. Булар орасида ўқувчини энг ҳайратга соладигани «Раиса» очеркидир, тўғрироғи, унинг қаҳрамони Раҳима Исломованинг тақдиридир. Буни сизнинг архивингиздан олинган ушбу хат ҳам тасдиқлайди:

«Хурматли ёзувчимиз Назир Сафаровга! «Совет Ўзбекистони»нинг 1963 йил, 14 ноябрь сонида босилган «Раиса» очеркингиз бизда унутилмас таассурот қолдирди. Биз шу колхоздан ҳарбий хизматга чақирилганмиз, шу қишлоқнинг фарзандларимиз. Раисамиз Раҳима опанинг оғир ва машаққатли тақдир йўлини чуқурроқ билмас эканмиз. Раҳима Исломовани биз учун, фақатгина биз учун эмас, мингминглаб одамлар учун қайтадан кашф этдингиз. Бу марқасиниң дасти йўли хотин-қизлар учунгина эмас, биз йигитлар ва ёшлар учун ҳам ибратлидир. Ҳақиқат ва кашфиёт учун рахмат Сизга.

*Сайд Ҳамроев, Равшан Турсунқулов. Иқисм. 28 ноябрь 1963 йил».*

Кўриниб турибдикни, Раҳима Исломова тасодифий қаҳрамони эмас. Лекин ёзувчи учун ҳар бир қаҳрамони айни пайтда «тасодиф», айтайлик, кеча уни ёзувчи тапимаёди, маълум доирадан ташқарида ҳеч ким билмасди. Бугун бир «тасодиф» билан ёзувчи таниди, у ҳақда ёзиш лозим топилди (ёзувчи қалбиининг аллақандай сирли ўлчовларига мос тушинб қолди). Энди у эртага минглаб, миллионлаб одамлар танийдиган қаҳрамонинг — адабиёт қаҳрамонига айланиб қолади. «Раиса» очерки шундай хизматни ўтай олди, деб айтишимиз мумкин. Дарвоқе, шундай экан, унинг ҳам ўзига хос

тариҳи бўлса керак? Бу ўринда ҳаёт ҳодисаси билан бадиий тасвир бир-бирини тўлдирган кўринади...

— Тўғри, аслида «тариҳсиз» воқеанинг ўзи йўқ. Бироқ баъзи воқеалар қалбда ўчмас из қолдиради. Шундан бўлса керак, «Раиса»-нинг юзага келиш тариҳи ҳам кечагидай кўз ўнгимда,— хотирлайди Назир Сафаров. — Эрталаб «Қизил Ўзбекистон»нинг янги сонини ўқиб ўтириб, «Мусобақадошлар мамнун бўлишди» деган мақолага кўзим тушиб, унинг мана шу сатрларини эътиборсиз қолдирмадим: «Бу колхозда раис — аёл, партия ва комсомол ташкилотининг секретарлари — аёл, кўпгина бригада етакчилари — илгор аёллар. Колхозда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари гуркираб ривожланмоқда. Аёллар ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида етакчилик қилиб, хўжаликни, бригадаларни, ишлаб чиқариш тармоқларини моҳирона бошқармоқдалар...»

Бу гап менга худди «бу хўжаликда аёллар эркакларни олдига солиб, қувиб ишлатиб юрибди. Ишлари беш! Мана, ўзбек хотин-қизлари! Мана, бир неча ўн йил муқаддам паранжидан, девордан ташқарига чиқолмаган ўзбек хотин-қизларининг камоли!» деган хитобдек янгради.

«Қизил Ўзбекистон»га бориб газета редакторининг ўринбосари Холбек Ёдгоров билан гаплашдим. У менга янги очерк қаҳрамонини тавсия қилди.

— Сизга ёзишни таклиф қилишимнинг боиси бор, — деди редактор ўринбосари менга чуқур ўйчанлик билан назар ташлаб. — Колхознинг Раҳимахон деган раисаси бор. Унинг тақдирини ҳамма ҳам тўғри тушунавермаслиги мумкин. Уни тушуна билиш керак, Назир ака. У жуда эътиборга лойиқ аёл. Менинг болали-

гим ўша Каттақўрғонда ўтган. Ўша шаҳарда-ги мактаб-интернатда, тўғриси, етимхонада катта бўлганимай. Бу жуда камдан-кам учрайдиган аёл. Унинг қисматига ҳам мингтадан битта одам бардош беради. Хуллас, гап кўп. Биз Сиздан ана шуларни акс эттирадиган яниги очерк кутамиз.

Редактор ўрииbosари мени анча илҳомлантириб юборган экан, идорадан тўғри вокзалга йўл олибман. Иўл-йўлакай уйга — Мукамбархонга телефон қилишга базур улгурибман.

Поезд кечаси соат 4 да Каттақўрғон станциясида тўхтади. Шаҳарнинг жуда тор ва ноқулай «меҳмонхона»сида тонг оттирдим. Эрталаб колхозга жўнайверишини планлаштириб туриб, бир телефон қилай-чи, зора бирон кишига дуч келиб, раиса билан учрашувимиз тезлашиб қолса, лекин хаёл билан колхозга телефон қўладим... Йўрим соат утар-утмас колхоз юк машинаси мени меҳмонхонадан олиб кетди.

Езувчи хонкинига келишини сабзи потдан ҳарарати кишига анча таажжуоли кўриниши мумкин. Бироқ бу ҳақда доғистонлик шоиримиз Р. Гамзатовнинг сўзи жуда ибратли: «Ўқувчиларим мендан тез-тез сўраб туришади: бугун нима ёзяпсиз, эртага нима ёзмоқчилиз?» Доғистонлик шоир Абутолибдан «нима ҳақда ёзяпсиз?» деб сўраганиларида, у шундай жавоб берган экан: «Овга отланган овчи қайди билсин, ҳозир йўлда шимага дуч келади — қуёнгами, айиққами, тулкигами? Жангга отланган ботир ҳозир қандай жасорат кўрсатишни олдиндан айтиб бера оладими?»

— Езувчининг ҳаёт ва ижод тарзи чиндан ҳам шундай. Фақат бир нарсанни қўшимча қилишим мумкин: ижоднинг чинакам маъбап — ҳаёт, лекин ижодий фаолиятининг бирничи

турткиси ҳайратдир. Аслида ёзувчининг ҳайратидан кашфиёт туғилади. Ҳайратланмай ёзилганларнинг ҳаммаси — оддий сўзлар, жуда нари борса — ҳужжатлар, холос!

Колхоз айландим. Одамлар билан суҳбатлашдим. Ҳамма ерда хотин-қизларнинг етакчилиги сезилиб, кўриниб турарди. Мен учун, айниқса, колхоз раисаси Раҳимахоннинг ҳаёт йўли бошдан-оёқ ҳайрат олами эди.

— Кимсиз ўзи? — деб савол ташладим Раҳимахонга лол қолиб. Мен ҳамон унинг қисматига ҳайрат билан қарап ва шу жафокаш кичкина жуссанинг нақадар мардлигига ичимда тасани ўқир эдим.

— Фаргоналик Шодиевани эшигтанмисиз? — Унинг саволимга савол билан жавоб қилгани сира ёдимдан чиқмайди. Ўша йилларда шахсга сифиниш даврининг қурбони бўлган Тожихон Шодиева ҳақидаги ҳақиқат эндиғина юзага чиққанди.

— Ха, — дедим.

— Мен самарқандлик Шодиеваман, — деб образли жавоб қилди Раҳимахон. Шундан кейин кўз ўнгимда ҳамма манзара равшан намоён бўла борди. «Раҳиманинг қиссаси жуда узоқ. Унинг мураккаб ва машаққатли йўли ҳақида катта китоб ёёса арзийди. Бу йўл иродаси метиндек мустаҳкам, бутун кучини партия ва халқ манфаатига бағишилаган, баҳтли ҳаёт учун кураш олиб борган мард аёл, ҳақпеки коммунистнинг йўлидир». Очеркни ана шу жумлалар билан бошлиш туйғуси ўша суҳбатда хаёлимда муҳрланган эди. Шундай бўлди ҳам.

— Раиса очеркида психологик тасвир кучли. Бунинг сабаби нимада? — сўрайман ёзувчидан. Назаримда, Назир Сафаровнинг маҳорат сирлари очила бошлайди.

— Тўғри пайқабсиз, очерк материали, тўғрироғи, қаҳрамони кучли психологик тадқиқотни тақозо этарди. Акс ҳолда унинг ҳаёттый йўли ва мураккаб тақдири очилмай қоларди. Бир сўз билан айтганда, қаҳрамон йиллаб қамоқхонада ўтирган. Бунинг учун ўша даврага ҳам қисман «характеристика» керак. Мана очеркдан бир парча:

«...Раҳимахон совет даврида туғилиб ўсан, боши паранжи, юзи чачвон кўрмаган, биринчилар қатори комсомол сафига кирган, партия бошлаган ёрқин йўлдан биринчи бўлиб олғатомон дадил қадам ташлаган аёллардан бири эди. Ленин комсомоли тарбиялаган бу қиз халқ қандай иш буюрса, қай вазифани топширса, оғир демай, енгил демай, узоқ демай, яқин демай, астойдил бел боғлаб, шараф билан бажариб келди. Умрининг кўп шумомини ооилар эшигида қарол бўлиб, азоб-уқубатда ўтказган, эски дунёning жабр-жафоларини хўб татиб кўрган Йслом аканинг ягона қизи...»

шионер бўлди, комсомолга кирди, қишлоқ хўжалик техникумидаги ўқишни давом эттириди ва уни аъло баҳолар билан тамомлаб, колхоз мактабида ўқитувчи бўлиб хизмат қилди. Бу бағайрат, жамоатчи, уддабурон қиз тез орада кўпчиликнинг эътиборини ўзига қаратди ва халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди. Кўп ўтмай ёш Раҳимахонни район комсомол комитети пионерлар билан ишлаш бўлимига мудир қилиб сайладилар. Кейинчалик район комсомол комитетида хотин-қизлар орасида ишлаш бўйича инструктор вазифасида хизмат қилди. Кейин Митан район комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлади...»

— Очеркда Раҳимахонни ҳаёт мактабида таълим олган, кўп синовлапдан ўтган, янги

турмуш қуриш учун олиб борилған күп жашларда иштирок қылган, чиниққаи, оқ-қоранинг фарқига борадиган, саботли, иродали комсомол раҳбарларидан бири сифатида қўрамиз: «Тараққиётимизнинг мураккаб, синфий кураш кескинлашган даврида Раҳима хотин-қизлар озодлигининг душманлари, колхоз тузуминиң ёвлари, руҳонийлар, миллатчилар ва янги ҳаёт рақибларининг турли-туман ҳужумлари, пайранг, фитна ва бўхтөнларнига мардонавор бардош бера билди, кўп душман унсурларнинг кирдикорларини фош этди. Уларга аёвсиз зарбалар берди. Раҳима ўз фаолияти, ўз тақдиридан, жамиятда тутган ўрнидан ғоят мамиун ва шод эди...»

— Қуш боласи қанот чиқариб парвоз қилди, — давом этди Назир Сафаров, — қизлар ўғиллар болаликни тарқ этиб, балогат боғига қадам қўядилар. Инсон ҳаётида энг чиройли, энг ҳаяжонли онлар бўлади. Қанчалар орзуҳаваслар, пайлардаги қувват, илк муҳаббатнинг бўронлари юракка гулғула соладиган онлар бўлади... Раҳимахон ҳам ҳаётнинг худдишу фаслида, умрининг навбаҳорида яшар эди.

Аммо кутилмаган бир фожиа, даҳшатли ҳодиса туфайли навқирон қизнинг бошига тоғдек оғир мусибат тушди. Отаси ўлиб, учала сагир укаси ва муштипар онаси билан етим қолганида Раҳима йиғлади, қайгурди, лекин унинг бошига тушган кейиниги мусибат бупдан кўра ҳам оғирроқ бўлди. Ўн гулидан бир гули очилмаган Раҳима «халқ душмани» ёрлиги билан қамалди!

Бу йилларда бегуниоҳ Раҳиманинг бошидан нималар кечди, буни изоҳлашга ҳожат йўқ! Партиямиз томонидан фош этилиб, барҳам берилган у даҳшатли қора кунларининг фожиаси ҳаммага аён. Ҳаётининг оғир йилларида ҳам

Раҳима курашни давом эттирди, худбинликка берилмади, умидсизликка тушмади, чунки бир кун эмас бир кун ҳақ жойига қарор топишини билар эди. Шунинг учун ҳам тақдирим шу экан деб жим ётмади. Ҳақиқат учун курашди. Ниҳоят, озод қилинди. Лекин ўша маҳалдаги вазиятга кўра Раҳимага ўз юртига қайтиш учун рухсат берилмади. «Мен гемис босқинчилирига қарши омонисиз кураш бораётган бир пайтда, ишга яроқли йигитлар фронтга кетиб, колхозда ишлайдиган кишилар оз қолган бир шароитда ғалаба учун кўплаб дон, пахта етишириш зарурияти туғилиб турган вақтда чеккада қололмайман, мени колхозимга қайтаринглар», деб Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоевга ариза юборди. Йўлдош ака Раҳимани ўз колхозига қайтиришга муваффақ бўлди.

Раҳима юртига коп-кора сочлари оқарниб қантди. Агар онаси Оитўланинг кўзлари қизи қайғусида йиғлайвериб кўр бўлиб қолмаганида, балки Раҳимани бу аҳволда кўриб, даб-такини, она—онада! Қизини овозидан таниди, бағрига босди. Кетганида сўнича-соғ бўлган онасини ожиз ҳолда учратни Раҳима учун ҳам даҳшатли ва жуда оғир эдя. Аммо зийрак қиз ўз қайғусини ичига солди, онага сездирилмади. Эгасиз қолгаи, дарахтлари куриган, де-вор-тошлиари нураган ҳовлиси, фронтга кетган иккни укаси ҳақида сўз очиб, онасини раижитишини ҳам истамади. Раҳима ўзини меҳрибон она багрида кўриб, беш йил тортган уқубатлари унтуилгандек, дунёга қайтадан келгандек бахтиёр ва енгил ҳис этди.

Лекин ҳамма ҳам Раҳимани онасидек қу-чоқ очиб қарши олгани йўқ. Баъзилар унга шубҳа билан қарадилар. Баъзилар эса совуқ

қаршиладилар. Баъзилар эса иш важидан сарсон қилдилар.

Аммо, Раҳимахон баъзи бирорларга ўхшаб гина-кудуратларни елкасига кўтариб юрадиган, бургага ўчакишиб кўрпа куйдирадиган, замонга қараб товланадиган, тарози шайинига қараб иш кўрадиган, биз ҳам «қурбон» бўлганлардан, деб ўзига алоҳида имтиёзлар талаб қиладиган, кўкрагига уриб айюҳаниос тортадиганлардаи эмас. У, ҳақиқий коммунист, ҳақиқий совет кишиси, довюрак, баҳодир аёл.

Бир ёмон қаршисида юз яхши бор деганларидек, бир-икки ноинсоф қаршисида соғ вижлонли совет кишилари, ғамхўр одамлар кўп эди. Улар Раҳимахонни ишга жойладилар. У жамоа Советнда секретарь бўлиб ишлай бошлиди. Оз вақт ичида иш билармонтиги, ҳақгўйлиги, жонкуярлиги, одамларга ғамхўрлиги, покизалиги, субутлиги билан халқни ўзига жалб этди. Шунинг учун халқ уни жамоа Советига ране қилиб сайдади.

Бу вақтда шу жамоадаги колхозда Шомурод Ҳамроев деган бир муттаҳам хўжайиниллик қиласарди. Бу туллак райондаги баъзи бир вижлонини йўқотган, қўли эгри, хулқи нопок раҳбарчалар билан тил бириктириб, колхоз хўжалигини ўпириш, майший бузуқлик билан «шуҳрат» қозонди. Бу ножинс ўша йиллари Улуғ Ватан уруши майдонларида жанг қилиб, фронтда қон кечиб юрган ватанипарварларнинг колхозда меҳнат қилиб юрган аёлларига кўз олайтиришдан ҳам тоймади. Бу расвойи оламнинг кирдикорлари Раҳимахоннинг қулоғига етгандан кейин бунга лоқайт қарамади. Жанг қаттиқ бўлти. Текшириш орқасидан текшириш боштапиб кетди. Шомурод қаламушиниг ҳам товоқлари кўп уриниб кўрдилар, аммо уни

халқ ғазабидан қўриқлай олмадилар. Халқ газабига дучор бўлган қузғунни колхозчилар қичқириқ билан мажлисдан қувиб чиқариб, Раҳимахонни ўзларига раиса — онахон қилиб сайдадилар.

Ана шу мажлисда ўша пайтда Самарқанд область партия комитетининг секретари вази-фасида ишлаб турган Шароф Рашидов қатнашган ва колхоздан ҳаромтовоқ, қўли эгри шахсларнинг қувилиши ҳамда ҳалол, меҳнат-севар халқ ва давлат мулкига жонкуяр кишиларнинг, бир сўз билан айтганда, адолатнинг тантанасига кўмаклашган эди.

Қишлоқ кексалари, меҳнат ветеранлари, шу жумладан, колхоз раисаси Раҳима Исломова адолат тикланган бу кунларни ҳеч қачон унутмайди. Бугунги кунда Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхознинг ловруғи камқувват хўжаликларни ўзига бирлаштириди ва йирик ишлаб чиқариш гигантига айланди. Ҳосилдорлик 41 пентнепга ётди. СССР Олий

колхознинг 300 аъзоси СССР орден ва медалари билан мукофотландилар. Колхоз раисаси Раҳимахон Исломова ва донгдор колхозчи Эркахон Нурхоновалар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар.

Колхоздан қайтар экашман, менга шу колхозга йўллаима бериб, шундай мураккаб қисматни енгиб — порлоқ ҳаст йўлини, бахтини яратган Раҳимахондек ажойиб қаҳрамонни топиш, таниш, ўрганишга имконият берган умрбоқий қадрдоним «Қизил Узбекистон»га ташаккур ва миннатдорчилигим бекиёс эди. Хаёлимда очеркнинг хотимаси ҳам тайёр эди: «Раҳима Исломова ҳақида айтилган бу газлар

кatta қиссадан бир шингил, холос. Раҳимахонинг сермазмун, ибратли ҳаёти ҳақида катта китоб ёэса арзийди».

Ҳали ундан китоб қарзим бор...

## «ЛҮЛИ ҚИЗ СЕВГИСИ» ҲАҚИДА АФСОНА

— В. Г. Белинский санъаткоршинг ҳаёт воқелигига, фактларга муносабати ҳақида шундай деган эди: «Ҳаётни түғри кўрсатиш учун ҳаёт воқелигини айнан ёзиш ёки кўчиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Санъат асари яратиш учун ҳаёт воқелигини ижодкор ўз тафаккури орқали ўтказиб, воқеликка янги ҳаёт бағишилаши керак»<sup>1</sup>. В. Г. Белинскийнинг мана шу таърифи «Лўлилар» очерки замирида ётган ҳаёт воқелигининг туб моҳиятларини очишида равшан кўринади:

«Лўлилардан бошқа ҳам ташвишним бор! — деди стол устидаги қоғозларий кўздан кечира туриб Раҳимахон. — Кунда шу гап. Қачон бўлмасин шу фалва... Уддасидан чиқмас эканиз, бошда рози бўлманг эди...»

Шу колхоздан ёзилган «Лўлилар» очеркингиз ана шундай оригинал диалогдан бошлианди,— деб эслатдим Назир Сафаровга.— Бригада бошлиғи ўзинга биркитилган лўлиларни эплай олмаётганидан шикоят қилиб: «Мени кетмонга қўйсангиз розиман, фақат лўлилардан қутқазсангиз, бас», — дейди. Воқеа шундай давом этиб, драматик ҳолат табиий кучая боради.

Очеркдаги ёрқин бадиийлик — биринчи навбатда, кескин конфликт, чуқур драматик ҳолат ва айниқса, «теша тегмаган» оригинал

<sup>1</sup> В. Г. Белинский. «Русские писатели о литературном труде». Советский писатель, 1954 й, I том, 526-бет.

воқеа фактнинг ғоят ноёблиги, гап конкрет лўлилар ҳаёти ҳақида бораётганлиги ўқувчини ўзига ром этади. Шу ўринда, Назир Сафарович, конкрет ҳаёт воқелигини бадиий ифодага — ҳаёт ҳақиқатига кўчириш тажрибаси қандай юз берганини эслатиб ўта оласизми?

Ёзувчи жавоб қилди:

— Бу очерк ҳам шу хўжаликдан — Крупская колхозидан ёзилган. Конкрет ҳаёт ҳодисаси мана бундай бўлганди: бир кун Раҳимахондан илтимос қилдим: «Қабулингизда иштирок этсам. Бу мен учун фойдали бўларди...»

Раҳимахон йўқ демади. Ўша куни қабулхонага лўлилар бригадасининг бошлифи лўлиларниң қўнимсизлигидан шикоят қилиб кирди.

Раис билан бригадир ўртасида қаттиқ «жанг» бўлиб ўтди.

Мен кутуб солиб ўтиштини Карабумга койлимда янги очерк, мураккаб характерли, ўтириш сюжетини очерк туғиларди. Биз бир оздан сўнг лўлилар бригаласи жойлашган ерга қа-

— Қўнимсизлик лўлилар бригадасининг бошига битган бало бўлса, колхоз раҳбарлари учун узлуксиз бир ташвиш, халқ ибораси билан айтганда, «оғримаган бошга олтин исирға», — деб гапириб кетди менга раиса йўл бўйи.

Очерк сюжети мана шу ерга қадар, баъзи композицион моментларни ҳисобламаганда, ҳаёт ҳодисаси — воқеликнинг реал ўзи эди. Шу ердан бошлаб ҳаётда раисанинг лўлилар ва уларниң қабила оқсоқоли Очил бобо ҳамда ўзбеклардан тайинланган бригала бошлифи билан турли вақт ва турлича шароитдаги учрашувлари, баҳслари, сұхбатлари бўлиб ўтади. Колхоз бўйича ҳосилдорлик 40 центнердап

ошиб кетгаңда уларда 25 центнерга ҳам етмайди. Буларнинг ҳаммаси лўлиларнинг меҳнат қонунларига дарровда бўйсунавермасликларидан келиб чиқарди. Ҳафтада бир бозор, бир ойда тўрт бозор. Бозор куни тонгдан қишлоқда лўлиларнинг қорасини топиб бўлмай қоларди. Истаса тиланиб, истаса фол очиб, хуллас, кўнглн нима тиласа шуни бажариб куни кеч қилиарди. Бу эса колхоз раҳбарлари, хусусан бригадирга ҳам, Раҳимахонга ҳам ёқмасди. «Кимсан Крупская номли колхозининг аъзолари тиланиб юрибдими?» дегани исподни осонликча ҳазм қилиша олмай, ичдан қийналишарди. Бироқ барнибир уларнинг баҳридан кечишмасди. Демак, қачондир лўлиларнинг изга тушишини, нормал ҳаёт кечиришини, бир сўз билан айтганда, «одам бўлишини» исташар ва шунга ишонишарди.

— Бироқ, лўлиларнинг минг йиллик озода қопуисиз ҳаётини, ўтмишини унутмаслигиниз керак, — деганди мен билан суҳбатда Раҳимахон. — Лўлилар минг йиллаб шундай ўз тартиблари билан яшагаплар, энди уларнинг тарк этган одамгарчилигини қисқа муддатла, бир ёки бир неча йил ичida қайтараман деган одам хато қиласди. Инсон оигининг, хулқ-атворининг ўзгариш жараёни аста-секин кечишини унутмаслик керак. Бу борада лўлиларга имконият даражасида ён беришга тўғри келади. Биз шундай қўянишимиз. Масалан, якшанба куни ҳар қандай шароитда ҳам буларга тегмаянимиз...

Ҳаёт материалининг бадиий ифодаси эса очеркда мана бундай гавдаланади:

«Лўлилар бригадаси аъзолари билан ўтказилган ўша кунги суҳбат аччиқ ичакдек чўзилиб кетди». ... Конфликтни ойдинлаштириш композицион ечимни ҳаёт ҳақиқатига хос ҳал

этиш мақсадида сюжет линиясига мажлис во-  
кеаси уланди. Мажлиса лўлилар юрагидаги  
дардларни очиб ташлайдилар:

— Биз лўлимиз, лўли!  
— Лўлининг урф-одати бор!  
— Ҳафтада бир кун бозорга чиқиб яйра-  
маган лўли, қанақа лўли бўлсин! — деб чувил-  
лашар эди.

— Колхознинг Устави бор, — деди бригадир қўлини пахса қилиб. — Ким рухсатсиз би-  
рон ёққа кетиб қолса ёки сабабсиз ишга чиқ-  
маса, шундайларнинг меҳнат куни кесилади.  
Бозорма-бозор, қишлоқма-қишлоқ дайдиб, фол  
очиб, колхоз номига иснод келтириб юрганлар-  
ни колхоздаи ҳайдаймиз! Колхоз Устави ўз-  
бекка ҳам, лўлига ҳам баб-баравар!

Мажлиса шовқин-сурон кўтарилиди. Ким  
нимадеяпти, ҳеч нарса айлаб бўйлас эди.

Президенти утирган Очил бобо столга  
суюниб, сскин турди. Камалак қоматига икки  
қўлини тирговуч қилиб раисга юзланди-да:

Кониши, Гаҳонаси, куналийи Муборак шариф  
сўз оср, — деди.

Фовур-ғувур бирдан тинди.

— Қизим,— деб сўз бошлиди Очил бобо,—  
бу лўлилар ичидаги сени ҳурмат қилмайдигани  
йўқ десам, ёлғончи бўлмасман. Ёшим аллақа-  
ерга бориб қолди. Тўримдан гўрим яқин. Сен  
меҳнат куни ҳақида тўғри писандада килдинг.  
Меҳнатсиз турмуш—тузсиз ошдек гап! Биз кол-  
хозга киришни хоҳлаб ариза берганимизда,  
меҳнатни бўйнимизга олиб келган эдик. Лўли-  
лар номидан ўша сўзни яна бир марта такрор-  
лашим мумкин, ўлгунимизча шу сўзимизда  
турамиз.

Хонаси келиб қолди, мен сенга ҳақиқатга  
яқин бир афсонани сўзлаб бергим келяпти.  
Шу афсонани айтиб берсам-да, бу ёғини ўзине-

га ҳавола қилсам. Сўнгра, рухсатинг бўлса, мажлисни тугатсак. Гапнинг қисқаси яхши. Бу лўлилар бошингни ачитди. Биздан бошқа ҳам ташвишинг етиб ортади.

— Марҳамат, айтинг, ўтириб олиб айтаверинг, — Раҳимахон чолни суяб ўтқазди.

— Қадим ўтган замонда, бизга номаълум томонда, сулувликда тенги йўқ бир лўли қиз ўтган экан. Қизнинг чўлпон кўзлари юракларга ўт ёқаркан, қора қўнғир сочи тақимини уриб, киприклари оқ тўшига соя солиб турганини кўрган ҳар бир йигит унга бацда бўлар экан. Ошиқу бекарорликда Мажиунни йўлда қолдирган йигитлар қизнинг васлига етолмай, тог-тошларга бош олиб кетишаркан. Ана шу лўли қизга бир подшонинг ишқи тушиб қолибди, ҳузур-ҳаловатини йўқотибди. Алқисса, фалакнинг гардиши билан лўли қиз подшога кўнгил берибди. Кўнгил берибди-ю, подшога шундай бир шарт қўйибди: никоҳ маросимида лўлилар одати бўйича подшо қизнинг бўйнига бир тўрва илиши, қиз эса подшонинг оёғига йиқилиб:

— Танамда жоним бор экан, мен сени боқаман, оч қолдирмайман! — деб айтишга розилик сўрабди.

Подшо рози бўлибди. Қирқ кеча-кундуз тўй-томоша бериб, қизни никоҳлаб олибди.

Сарсон-саргардонликдан ўзга давлати бўлмаган, лекин ўзини ҳамиша эркин ҳис қилган бу лўли қизга подшо саройи фарофат бера олмабди. У гоҳи гоҳида подшо бўйнига солган олтин тўрвани елкасига илиб, эшикма-эшик санқиб келишни қўмсар экан. Лекин подшолик салтанати бунга йўл қўймас экан.

Ўрганган одатни тарқ қилиш осон иш эмас. Бунинг учун мардлик керак. Шоҳ сипоҳлари

билин шикорга кетган кезлари лўли келин саройнинг ҳар бир токчасига биттадан кулча қўйиб чиқаркан-да, сўнгра, бўйнига олтин тўрвани илиб, ҳар бир токчанинг олдига келиб «хайр» сўраркан, токчага ўзи қўйган кулчани олиб, тўрvasига соларкан, шу тахлитда тўрвасини нонга тўлдириб, гўё эрининг ризқини йиғиб уйига қайтаркан.

Ёмоилик ҳам, яхшилик ҳам бир кун эмас бир кун ошкор бўлмасдан қолмайди. Куилардан бир кун подшо қаллиғини токчалардан «хайр» сўраб турган вақтда учратибди. Шоҳниг газаби еру кўкка сигмабди. Подшо уни зиндоинга солиш ёки дорга остиришни ўйлади.

— Сенга бу даргоҳда нима етишмаянти, насткаш лўли! — деб бақирибди подшо.

— Шоҳим, онам отамга никоҳ қилинганда бўйнига тўрва солиб, отамини оёғига йиқишини анибди. Они оғизига оғиз ичган экан. Онам ҳам, онаминиг онаси ҳам бу онтига содиқ қолиб келган. Мен оналарим одатини тарқ этотмадим. Гадобоюн куаларни ташкил этишинни сажо келтирдим, холос. Ҳукмнингизга тайёрман, чақиринг жаллодингизни! — деб лўли поднио оёғига итоаткорона йиқилибди.

Шоҳ келинчакининг қопидан кечибди...

Лўлиларга жон кирди. Қарсакчала бошладилар. Уларга қўшилиб Раҳимахон ҳам чапак урадди...

— Лўлилар севгиси, аҳди ана шуниқа қаттиқ бўлади, қизим. Бу ердаги лўлиларнинг севгиси ўша афсонавий лўли қизнинг севгисидан кам эмас. Колхозга ишқлари тушмагандан, сен буларни боғлаб ишлатолмасдинг. Сендан сўрайдиганлари,—деб сўзида давом этди Очил бобо,—ҳафтада бир кун, ойда тўрт бозор куни лўлиларнинг ихтиёрини ўзларига берсанг бўл-

гани. Бошқа күплари булардан ишиигни талаб қиласвер! Мөхнат одамни ўлдирмайди!

«Ўша суҳбатдаи сўнг лўлилар бригадасида биронта ҳам иитизомсизлик содир бўлмади», деган ифода билан очеркка нуқта қўйилди. «Қаҳрамон ҳаётда ўз характерига хос типик хусусиятларни белгилайдиган сўзларнинг бирини бугун, иккинчисини бир йилдан кейин айтган бўлиши, учичисини эса умр бўйи айтиб ултурмаган бўлиши мумкин. Санъаткорнинг типик характер яратишдаги маҳорат ва хизмати шундаки, у бадиий тўқима воситасида шу сўзларни воқеликнинг маълум ягона бир занжирига улади ва ҳаёт ҳақиқатини яратади, — деган эди Алексей Толстой. — Мен буни ҳаёт воқелигини санъат ҳодисаси билан боголашнинг биринчи воситаси деб биламан».

## ҚАҲРАМОНЛАР ИЗИДАН

— Ҳар бир ёзувчининг ўз севимли темаси бўлади. Рус адабаридан М. Горький, М. Шолохов, А. Фадеев, Л. Леонов, Б. Полевой, В. Овеккин ва бошқалар узоқ вақт ўз қаҳрамонлари билан бирга тер тўкиб, бир муҳитда яшаб, уларни кузатганлар, ўргангандар. Ўзбек адабаридан Абдулла Қодирий «Обид кетмон» учун уззукун қишлоқма-қишлоқ кезганини, Абдулла Қаҳҳор «Шоҳи сўзаиа» учун Мирзачўлда, Асқад Мухтор «Тугилиш» учун Олмалиқда, Жонрид Абдуллахонов «Пўл» романини ёзишда Бухоро йўл қурилишида, Суннатулла Анорбоев «Оқсой шалолалари»ни битишда чорвадорлар орасида яшаб ижод қилганлари маълум. Бир туркум сара очеркларингиз социалистик қишлоқ ҳаёти, хусусан, қишлоқ хў-

жалигини механизациялаш, деҳқоннинг оғирини енгиллаштириш, техника жиловкорларини улуғлаш, консерватор кишиларни фош этиш каби актуал проблемаларга бағишлиланган. Булар орасида «Турсуной», «Узокни кўзлаган қиз» (воқеий қисса) ва «Карвонбоши Мелиқўзи» очеркларингиз айниқса дилқатга сазовордир. Турсунойнинг ҳаётдаги жасоратли изи, ибрати бекиёс, албатта. «Узокни кўзлаган қиз»нинг бадиий очерк тараққиётидаги ўрини ҳам ибратлидир. Худди шу даврда С. Маҳкамов, Ш. Гуломов ва бошқаларнинг ҳам Турсуной ҳақидаги очерклари эълон қилинди. Буларнинг кўпчилиги Турсунойнинг шахсий ҳаёти ва биографиясидан четга чиқолмадилар. Тўғриси, булар газета лавҳалари эди. «Узокни кўзлаган қиз» билан ёима-ён қўядиган очеркимиз бармоқ билан санарли даражада оз десам кате бўлмас. Бунинг ишдизи қасрда? Очеркнинг фавқулодда сири нимада? Гап очеркнинг қамрови, ўртага ташланган масаланинг кўлами кенглиги ва актуаллиги ҳамда, колаверса, ундан ўрнадирда инсонларниң очкора ва дадиллигида эмасми?

—«Турсуной» очеркининг мулдатидан бир оз барвақт «туғилиш»ига бир киши—ўша пайтда «Тошкент ҳақиқати»нинг редактори бўлиб ишлаб турган Зиёд Исломович Есенбоев сабабчи бўлган,—дейди Назир Сафаров.—Ўша кезда ҳаёлимни муҳим ижтимоий тема банд этган эди. Мен йил бўйи бутун республикани айланниб чиққан, ўнлаб район ва хўжаликларда бўлган эдим. Ўша йилларда республикада 10000 га яқин турли марказдаги пахта терим машиналари мавжуд эди. Завод эса йилига минг-минглаб янгисини ишлаб чиқаряшти. Бироқ, бармоқ билан санарли хўжаликлардагина терим машиналари ишлаб турад, умуман, ма-

шиналарнинг иш унуми жуда оз, айрим ҳўжаликларда ўртача кўрсаткич қўл теримидан ҳам паст эди. Кимлардир техниканинг йўлига катта ғов солиб турарди.

Ўшанда Турсуной ҳақидаги гап эндиғина битта-иккита қулоққа чалинган эди. Гапни шу қизнинг ҳаёт йўлидан бошласам-чи? Консерваторларга қаратилган «милтифимга» ана шундай конкерт бир мўлжал керак эди. Шу сабабли редакторнинг тошириғига бўйин товламай итоат қилиб, йўлга чиқдим. «Тошкент ҳақиқати»нинг адабиёт ва санъат бўлимининг мудири шопр Назармат менга ҳамроҳ бўлди.

Сўраб-сўраб тўғри Турсунойларнинг уйига бордик. «Турсунойнинг уйи шуми?» деган саволимизга онаси Башорат хола кутилмаганда терс оҳанг билан: «Шу бўлгани билан Турсуной уйда йўқ», деб жавоб қилди. «Турсуной қаерда, топишимизга ёрдам беринг, хола», деганимизга жавобан: «Бети қурсин Турсунойнинг. Ота-бобоси қилмаган ишни қилиб, менинг юзимни ерга қаратди. Билмайман қаерда...» деди ғазаб билан.

Аёлнинг ёнида ўн тўрт-үн беш ёшлардаги соchlари тўзғиган, миқти гавдали қиз турарди. Кейин билсам у —Инобат—Турсунойнинг синглиси экан. (Инобат ҳозир Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхозига директорлик қилмоқда.) Шунда Инобат тилга кирди:

— Турсуной опам «Ўзбекистон 30 йиллиги» совхозидалар. Уша ерда машинада паҳта теряптилар. Бу ерда, колхозимизда опамга машина билан паҳта теришларига ижозат беришмади. Ипнайкейин Турсуной опам кетиб қолдилар...

Турсунойнн чиндан ҳам ўша совхоздан топдик. Машинанинг бош конструктори А. Приходко ҳам шу ерда экан. Улар билан танишдик.

суҳбатлашдик. Бироқ уларнинг чехрасида катта ташвиш борлигин сезиш қийин эмасди.

— Кўпчилик машинанинг имкониятларини тушуниб етмаяпти,—деди куюниб конструктор,—машинага тиш-тирноғи билан қарши турган «раҳбар»лар бор. Заводлар машинани планга биноан ишлаб чиқаряпти, хўжаликлáр планга биноан сотиб оляпти. Лекин уларни ишлатишга йўл беришмаяпти. Аввало, етарли малакали кадрлар йўқ. Борларининг ҳам малакаси паст. Машинанинг мавжуд имкониятидан ҳам фойдаланиша олмаятилар. Натижада, бу консерваторларга дастак бўлаётир. Машина терими учун кураш комплекс механизация курашига айланиши керак.

Турсунойнинг ҳол-аҳволи ҳам юз-кўзидан аёни эди. Киприклари, қошиб-кўзлари чаиг босгани, устидаги комбайнезони корамойга ботгани, тераю-ништани... текни оу қизнинг зуваласи пишиқ, ингоҳлари қатъий эди. Бу уининг узокузоқларни мўлжал олганидан, бошлагани, қўл маслинидан дарак оеरарди.

— Узбек хотин-қизларидан биринчи бўлиб машина мииш менга насиб қилибдими, бас, бу ишончни оқлайман. Юрагим сезиб турибди. Машина—қудратли куч. У деҳқонга, айниқса теримда машаққат чекаётган опа-сингилларим, дугоналаримга аскатиши мумкин ва зарур! Бу йўлда қанча заҳмат бўлса, чекиниш йўқ.

Турсунойнинг ҳар бир сўзи бу мард ўзбек қизининг катта қаҳрамонликка бел боғлаганини, ўзи қўл урган ишнинг нақадар олижаноблигига ишончи мустаҳкамлигини кўрсатиб турарди...

«Турсуной» очерки ана шундай тугилган эди. Байрам муносабати билан газетада жой масаласи танқис бўлгани учун очерк анча қис-

қариб кетди. Бироқ, тез орада «Турсуной» очерки рус ва ўзбек тилларида алоҳида китобча сифатида нашр этилди.

## УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН АДИБ

— Ёзувчиларимиздан Ойбек «Олтии водийдан шабадалар» романини шошиброқ ёзганини, Абдулла Қаҳҳор «Кўшчинор чироқлари»дан кўнгли тўлмаганини ўз вақтида айтиб ўтишганди. Ёзувчи ҳар қанча талантли ва маҳоратли бўлмасин, унинг барча асарлари бир текисда—юксак бадиийлик касб этавермаслиги мумкин. Ижодий ишнинг, санъатнииг маълум қолипдаги қора меҳнатдан фарқи ҳам шунда. «Турсуной»дан сўнг «Узоқни кўзлаган қиз» воқеий қиссани ёки «Мелиқўзи»дан кейин «Карвонбоши Мелиқўзи» очеркларингизнинг ижодий лабораторияда қайта «ищтаниши» улардан ўз пайтида кўнглинигиз тўлмаганлигининг белгисими?

— Бир томондан, аслида шундай—кatta ижтимоий аҳамиятга молик ҳаёт ҳодисасига дуч келганда журналистлик тутиб кетади. Уни дарҳол ўқувчига етказгим, халқ муҳокамасига ташлагим келади-ю, материал қандай шаклда бўлмасин, оператив тарзда газета юзини кўради. Очерк босилгач, ўқийман, қўлимда ва дилимда қолган гаплар билан солиштираман—шунда ёзувчилик ҳиссен тугилади. Лекин, пазаримда, бу ҳар иккалasi ҳам зарур ва керак. Газета ҳар доним ҳам баркамол бадиий очеркни кутиб туролмайди, баъзан унга зарурат сезса ҳам жой топиб беролмайди. Бир кун кейин босилган очеркдан кўра бир кун аввал босилган ахборотнинг қиммати газета учун юқорироқ

бўлиши мумкин. Газета — оператив минбар. У шу хусусияти билан ҳам доим ҳаётдан олдинда юришга қобил. Ҳаёт ортидан судралган газетада ўқувчи учун қандай янгилик, қандай маъно бўлиши мумкин?!

«Турсуной» очерки босилгач, мен ҳали юрагимдаги жуда кўп гапларимни қогозга тушириб улгурмаганимни ҳис қилдим.

— Масалан, ўша «қогозга тушириб улгурмаган ҳисларингиз»ни эслатиб ўта олмайсизми? Демак, «Узоқни кўзлаган қиз» ўша қониқ масликнинг меваси дейишимизга асос бўла оладими?

— «Узоқни кўзлаган қиз» — юрагимда узоқ йиллар яшаган дарднинг меваси. Бундан бир неча йил бурун «Қизил Ўзбекистон» газетасининг топшириғи билан Фарғона водийсига борган эдим. Йиён ойиннинг охирлари — айни сарнатон. Ўзсалтар гуж гутга киргани пайт Жазира маракса иссиқ ўзага ҳузур бағишласа, одамни беҳузур қилади. Кун тигида ишлабтганларнинг аъзойи баданидан кўйилиб келаётган

пайдо бўлган, еру кўкка шафқатсиз алнга сочаётган қуёш қандайдир рангсиз, бўғиқ ҳаводан соябон ясаб, коинотни тўсиб қўйгандек... Мана шу оғир ва ёқимсиз ҳарорат, табиатда бўлган барча гўзалликларни одамлар кўзидан пинҳон тутиш гўё табиатнинг ўзи томонидан атайлаб қилинаётган баҳилликка ўхшарди.

Одамлар билан учрашиб, суҳбат қилиб юарканман, аёлларнинг бошларига ташлаб олган камзуллари мени ҳайратга солди.

— Айтинглар-чи, нега аёллар камзул ёпи-ниб олишган?

— Қуёшдан пана қилиш учун ёпинишеа керак,—деб жавоб берди райком секретари.

— Ҳа-да, доим кун тифида, офтобда ишла-

шади. Бошларига ёпиниб олғані камзулларни соябонлик хизматнинг ўтайди, албатта,—деди секретарнинг гапини маъқуллаб раис.

Қизлар индамай юзларини яширганларича, яна кетмонларини чопа кетдилар.

Кеч кирди. Мен колхоз қишлоғини айланиб юрарканман, кундузи далада кўринмаган эркакларнинг ҳаммасини қишлоқ чойхонасида чойхўрлик қилиб ўтирганларини кўриб ҳайрон қолдим...

Мен ўша галги сафаримда Фарғона водий-сининг кўпгина шаҳар ва районларида бўлдим. Кўпгина бозорлар, гузарлар, чойхоналарни кўрдим: ҳамма ерда эркаклар. Даладаги ишларни асосан хотин-қизлар бажараётганлиги ўз-ўзидан равшан эди.

Мен бўлган колхозларнинг кўпи ўша вақтларда ҳам миллионер эди. Ҳатто бир колхозда миллионер бригада ҳам бор эди.

Кечқурун колхоз клубида ҳаётимизда ҳали мавжуд бўлган эскилиқ қолдиқларига, зарарли урф-одатларга қарши муросасиз кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида, аввал баҳордан қиши чилласига қадар пахтачиликнинг деярли ҳамма оғирлигини ўз зиммаларига олиб, республика шонига шон, шуҳратига шуҳрат қўшиб келаётган ўзбек аёллари тўғрисида, уларнинг мураккаб ҳаёт ва турмуш шароитлари ҳақида қизгаш суҳбат бўлди...

Эртасига бу ҳақдаги суҳбатимиз область партия комитетида давом этди.

— Эркакларни ишга чиқмайди деб бўлмайди, — деди обком секретари. — Лекин уларнинг далада кам кўринишлари рост. Улар орасида сояпарвар, чойхонанишинлар ҳам йўқ эмас, албатта.

Обком секретарининг гапидан суҳбатимизга мавзу бўлган жиддий идеологик муаммо-

лар хўжалик масалалари сөясида қолиб кетиб, уларга старли эътибор берилмаётгани маълум бўлди.

Гап яна айланиб техникадан унумли фойдаланиш масаласига келиб тақалди. Биз механизацияни кенг қўллаб, аёлларимизни йил — ўн икки ой банд қилаётган меҳнатларини енгиллаштиришимиз, хўжалик масалалари билан бирга, тарбия масалаларига ҳам жиддий эътибор беришимиш кераклиги тугрисида гаплашдик.

— Техника ёрдами билан қилиниши мумкин бўлган кўпгина ишларни қўл кучи билан бажаришга одатланиб қолганмиз. Кетмонга сажда қилиб, аёлларимизни кетмон ишига ихтиносистаб келишимиз кўп мисоллардан биридир. Комплекс механизациялаш муаммоси давлат иши бўлганидек, оила, тарбия масалалари ҳам дар зат тоҷомоят ишларни тутади бир қисмидир. Ҳали квадрат уялаб экиш жорий қилинмаган, ғўзага икки томонлама ишлов бериш кўлланилмаган йилларда кетмон ишини

мўл ҳосил олишни умнд қилган деҳқон ғўзани чуқур чопиқ қилишдан, унга вақтида сув, озиқ беришдан зерикмаслиги керак!» дегувчи эди деҳқонлар. Сизнинг фикрингиз қандай?

— Чуқур чопиқ? Яна кетмон билан-а! Кетмон иши, айниқса, чуқур чопиқ иши нақадар оғир эканлигини, табпб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб деганларидек, мен ўз тажрибамдан жуда яхши биламан. Катта Фаргона канали қурилишида кетмон чопганман. Деҳқончилик қилиб пахта ҳам экканман. Мен ғўза чопифида минутига неча бор кетмон уриш мумкинлигининг ҳисобини ҳам олиб қўйганман. Яхши кетмончи ғўза чопифида бир минут мобайнида 38 марта кетмонни кўтарнб уриши

ва ўлдирилган ўтларининг томирипти тупроқдан айниб ташлаши мумкин. Агар бегона ўт кўп бўлса, ҳар кетмон урганда ерга энгашиб, ўтларни тупроқдан ажратиб, бир ерга тўплаб борилади. Бундай пайтларда минутига ўттиз саккиз марта кетмон уриш мумкин бўлмай қолади.

— Турсунойнинг тажрибалари-чи?

— Мен Турсунойнинг кетмон ишига ҳам анча чечан эканлигининг гувоҳи бўлганман. Лекин унинг ақлу ҳушн « зангори кема » ларда эди. Турсунойнинг онаси қизининг машинада пахта теришига унча рози бўлмаганлигидан хабардор эдим. Турсуной билан қилган суҳбатларимда бунинг ҳам тагига етиб олдим.

Темирчилик қилиб юрган ёшлик йилларимда енгил иш ҳам, оғир иш ҳам қўй кучи билан қилинар эди. Менинг ҳам кўп қатори пахта терган вақтларим бўлган. Мен темирчининг босқонидан кўра пахта териш оғирроқ эканлигини шунда билганман.

Бир йили шаҳар аҳолиси қатори биз ёзувчилар ҳам пахта тернига сафарбар қилипган эдик. Ўшандаги жўяк ичида гоҳ энкайиб, гоҳ чўнқайиб, гоҳ таёқдек қотиб роса хижолат бўлганим эсимда. Бир мен шундайми, деб орқа-олдимдаги ўртоқларимга назар ташласам, уларнинг ҳоли ҳам менинидан яхши эмас. Қўлларимиз нозиклашиб қолган экан, ўша куни нормаларимизни амал-тақал қилиб тўлдирдик. Иккинчи куни эрта билан теримга тушганимизда бармоқларимизни кўракка тегизолмай роса қийналган эдик.

Ана ўша кунларда пахта теришининг оғир машаққатлари мени қаттиқ ўйлантириб қўйган эди. Бундай оғир меҳнатнинг узоқ давом этиши мумкин эмаслиги тўгрисида жуда кўп ўйлардим. У вақтларда самарасиз «туркман-

вакуум» машинаси аллақаңын эътибордан қолған, ҳали янги терим машиналари ихтиро қилинмаган эди. Қимирлаган жон пахтани териб олиш билан банд эди. Бу мени кўпдан буён ўйлантириб келарди. Ана шундай дард билан кимгадир ёрилишим керак эди. Дард кучининг зўри билан республика Министрлар Советининг Раиси Усмон Юсуповга мурожаат қилишга қарор қўлдим. Усмон ака ёзувчиларни номманом билар ва танир, адабиётга ва ижод аҳлига ҳурмат билан муносабатда бўлгувчи раҳбар эканлигини шунда яна бир бор ҳис қилганман.

— Ўлимдан бошқа ҳамма нарсага даво топилса-ю, Усмон ака, — дедим таъсирли, аламзада оҳангда Усмон Юсуповга тикилиб, — бутун бир республика ҳукуматини, етти яшардан етмийш яшаргача бўлгани аҳслини ташвишга солиб келасинан нахта терииндек отир машақатга наҳотки даво топилмаса? Шундай қолиши мумкинми?

Пахтанилик биссининг бозорида кечидадими оғирга оворастани деч кимга сир эмас, — деди Усмон ака кўрсаткич бармоғини столга оҳиста «тақ-тақ» уриб, бир маромдаги салобатли гап оҳангига мослар экан, — ер ҳайдасанг куз ҳайдада, куз ҳайдамасанг юз ҳайдада, деганлар ота-боболаримиз. Бу ҳикмат амалга ошмагунча ерда нам сақланмайди, бегона ўт томир ёяди, чигит етилмаган ерга экиласди, баҳор иши орқага суриласди, буларниң ҳаммаси оқибатда ҳосилга таъсир қиласди, пахтачилик тараққий қилмай, турғунликка учрайди. Кейинги йилларгача шундай ҳоллар ҳам бўлдик, энг сўнгги кўраккача қолдирмасдан териб олиш шиорини янгратиб, январь ойигача пахта терардик. Пахтани қор босиб қолған чогларда арқон тортишиб, тупларидаги қорларни тў-

кардик, қор, лой кечиб теришни давом этти-рардик. Лекин булар ҳосилни кўтариш ўрнига пасайтира борарди. Ҳозир эса шуни мамнуният билан қайд қилиш керакки, бу ташвишларнинг кўшини бартараф қилдик. Кенг қаторлаб чигит экиш, ғўзага икки томонлама ишлов бериш қўл меҳнатини мислсиз даражада қисқартириди, ҳосил қарийб учдан бир баробар кўнайтирилди.

Бу ерда ҳам сұхбатимиз хотин-қизлар масаласига келиб тақалди.

— Биласизми,— деб сўзида давом этди Усмон Юсупов,— илгари эркак киши бирон аёлнинг қулоқ боғлаб турганини кўрса қўлидаги кетменини олиб қулоқни боғлаб берарди. Ёки бирон аёл эшикдан пақир кўтариб сувга чиққудек бўлса, унга учраган эркак дарҳол қўлидан кўза ёки пақирни олиб, сув тўлдириб эшигига қадар элтиб берарди. Ҳозир бизда деярли ҳамма аёллар далада, завод-фабрикада, давлатнинг идора ва муассасаларида ишлашади. Ҳамма баробар ишлаши керак бўлган бир вақтда энг оғир меҳнат — ягана, чопиқ, пахта териш, рўзгор бошқариш, бола боқиш каби ишларнинг ҳаммасини аёлларга ташлаб, енгил-елпи ишларн эркакларга топшириш иссофдан эмас, албатта. Аёлларни, қолаверса, бутун халқни қўл меҳнати машаққатидан қутқазишининг бирдан-бир йўли қишлоқ хўжалигида ишларни мумкин қадар механизациялаштиришдир, — деди кекса раҳбар кабинетида кезар экан. — Афсуски, бизда машинага қарши кайфиятда бўлган одамлар ҳали ҳам бор. Ҳамжиҳатсизлик, ҳамма бир ёқадан бош чиқармаслик, бири бошлаган ишни иккинчиси саёз тушуниши каби баъзан учраб турадиган қарама-қаршиликлар бизда ана шундай нуқсонларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётир.

Унинг сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Аёлларнинг бола боқиши, рўзгор ташвишидан қутулиб далада ишлай бошлиши яхши гап, албатта. Ота-боболаримизнинг аёлларга ёрдам қилишдек олижаноб одатларини биз эркаклар тарк эта бошлаганимиз, мени яна ҳам нотинч қила бошлаган эди...

Ўша сухбатдаги фикрлар ҳозир менинг эсимга яна баъзи нарсаларни туширди. Буидан бир неча йил аввал мен «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналида инженер Л. Голишининг мақоласини ўқигандим. Бу мақолада ҳамма учун қизиқ ва фойдали бўлган фактлар бор. Чигит кенг қаторлаб экилган тақдирда ҳозиргача экилиб келаётган чигит миқдори учтўрт баробар иқтисод қилинади. Яна бунинг устига ғўзани яганалашга сарф қилинаётган етти миллии мехнат куши қискартирилади...

Хар бир шахса ишланиб даромади машина ўз вазифасини қойил қилиб бажаргудек бўлса, колхозларда ундай машиналардан тўғри ва унумли фойтатасида, колхозшлар, ши

ган бўлар эди-а, Назир ака?

— Ҳа, турмушнинг энг оғир юки аёллар зиммасида: уй-рўзгор ишлари, болага қараш, уни едириш, кийдириш, ювиш-тараш, сигир соғиш, нон ёпиш, бунинг устига далада ишлаш! Тағин улардан кино-театрларга боришларини, китоб ўқишларини талаб қиласиз...

Мен очиқ ва ачитиб гапирмоқдаман. Мен ўша йиллари тўқсон процент ғўза майдонининг икки томонлама машина билан ишланадётганини билардим. Саккиз юз эллик минг гектар ерга квадрат уялаб пахта экаётган комплекс механизациялашган бригадаларнинг сони саккиз минг беш юзга етганини ҳам билардим. Бизда печа юзлаб аёллар Социалистик

Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва Давлат мукофотининг лауреатлари, СССР ва миллӣи республика Олий Советларининг депутатлариидир. Турсуной Охунова ҳам мана шу қаҳрамон аёлларнинг биридир. Ўнинг меҳнат жасорати ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, ўзбек ҳалқи орасидан етишиб чиққан қаҳрамон ва ватанпарвар аёллар кўз олдимда гавдаланди ва Турсуной улар ичидаги истисно эмаслигига ишонч ҳосил қиласман. Ҳа, чиндан ҳам ажоийиб аёлларимиз бор! Ажойиб бадиий асарларга арзигуллик қаҳрамонларни миз бор.

— Пахта теримини машиналаштирумасдан туриб бир неча йиллар мобайнида теримда қатнашиб, анчагина билдишдан маҳрум бўлиб қолаётган студентлар масаласини ҳам ҳал қилинш қийин. Ўйлайманки, теримга сафарбар қилинган ишчи, хизматчи, турли касбдаги олимларнинг пахта теримга қатнашиб етказган фойдаларидан кўра, кузда бир неча ойлаб ўз ишларини бажарганикларидаи кўриладиган фойда кўпроқ самаралироқ бўлса керак!

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин! Пахта-корлик ишидан узоқ бўлган ва нормани тўлдириш баҳонаси билан пахтани юлиб-юлқиб тेрадиган шаҳарликларнинг қанчадан-қанча ҳосилни нобуд қилишларини айтмайсизми?

— Газета даъвати билан ёзилган «Турсуной» очерки биргина ҳаёт материалининг, ёлгиз Турсуной ҳаётининг тасвири эди. «Узоқни кўзлаган қиз» эса, асар асосида марказий фигура Турсуной образи бўлса-да, синчиклаб мушоҳада қилган ўқувчи асарнинг бош қаҳрамони — меҳнаткаш ўзбек хотин-қизлари эканлигини пайқаб олади. Турсуной аслида уларнинг ҳам терма, ҳам мужассам образидир. Ўнинг фонида ўзбек хотин-қизларининг пахта

учун курашдаги мураккаб меҳнати ётади. Вожеий қиссага ундан дард ҳам шу узоқ йиллик журналистик ҳаётимда дуч келган жафокаш ўзбек аёлларининг пахта ишига бўлган фидойилиги эди.

## ПУФАҚ ҚАҲРАМОНЛАР

Ҳаётга актив аралашиш ёзувчи Назир Сафаров ижодининг асосий хусусиятидан биридир. Ёзувчи ижодида жангварлик, ҳозиржавоблик ва айни пайтда замонга ҳамнафаслик қирраси айниқса камол топди. Дастреб 30-йилларда Зиё Саид билан ҳамкорликда ёзган «Янги турмуш учун кураш» публицистикасида ёзувчининг гражданлик бурчи ва ҳаётга муносабати яққол акс этганди. Кейинчалик, Улуғ Ватан уруши йилларида яратилган жанглавҳалари ва очеркларида ёзувчи каламни наиза каои маҳорат билан ишлата олди.

Тинч қурилиш йилларида ёзувчининг ўнлаб очерклар тўплами босилди. «Дон», «Катта қапкани йўлга», «Гранатот 1 митонов», «Худи ча Аҳророва», «Узоқни кўзлаган қиз», «Кўнгилдаги гап», «Орзу ушалди», «Инсон изи» ва бошқа тўпламлар шулар жумласидандир.

Биз бу очеркларда ёзувчининг ҳаётга актив аралашуви намунасини кўрамиз. Эндиғи сұхбатимиз худди шу хусусда, ёзувчининг ҳаёт ва адабиёт қаҳрамонларига муносабати ҳақидадир.

\*

— Ҳурматли Назир Сафаровиҷ, «Қизил Ўзбекистон» топшириғи билан ёзилган очеркларингиз орасида «Ҳадича Аҳророва» («Қизил Ўзбекистон». 23. V. 1952 й.) бир қадар дадиллик ва ўзига хос тажриба хислатлари билан ҳозир ҳам диққатга сазовордир.

Шулар орасида айниқса унинг мана бу гаплари характерлидир: «100 центнерчилик звенолардан 50—60 центнерчи бригадалар ҳаракатига кўчиш пайти келди...» — дейди очерк қаҳрамони Ҳадича Аҳорова. Ўша пайт учун бу гап дадил янгилик эди дейиш мумкин. Ҳамма жойда юз центнерчилик ҳаракати авж олиб турган бир пайтда ҳали ҳеч кимга танилмаган қаҳрамон тилидан бутун бошли бир ҳаракатга зид ўлароқ, «100 центнерчилик» қолиб «50 центнерчилик»ни ташвиқ қилиш учун аввало ёзувчи қалбида ладиллик билан бирга муайян фактга — ҳаёт ҳақиқатига нисбатан қалб иқори ҳам бўлиши керак, шундай эмасми? Умуман, Назир ака, ўшандা «юз центнерчилик»ка қарши «қўл кўтаришга» сизни нима мажбур этган эди?

— Бунинг бир қанча сабаблари бўлиши мумкин. Лекин энг асосийси, табиийки, «юз центнерчилик»нинг ўз инқирози эди. Бу ташабbus аллақачон ўзини оқламаганлиги маълум ҳақиқат эди. Энди «юз центнерчилик»нинг пуч ёнғоқ эканлигини мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Лекин шундай пайтлар бўлган эдики, уни «илмий-амалий» жиҳатдан асословчи «олим»лар ҳам бор эди. Ҳатто ҳосилдорликни «110-120 центнерга етказган» звенолар чиққанди. Бу ташабbus қисқа давр ичida паҳта ҳосилдорлигини минг йиллик тарихда кўрилмаган даражада бир неча баробар ошириб юборди. Баъзан ўйлаб қоламан, яхшиямки бу соҳта ташабbusга ўз пайтида чек қўйилди, акс ҳолда у қай даражага қадар ҳаклаб-ғовлаб бориши мумкин эди?

— Октябрь инқилобига қадар бутун Туркистонда 500 минг тонна атрофида паҳта етишибтириб келинар, ҳосилдорлик ўртacha 7-9 центнерни ташкил этарди. Республика 50-йиллар-

нинг бошларида ялпи 20 центнерчилик марра учун курашарди. 60-йилларда партиямиз ўзбек пахтакорларининг олдига 25 центнерлик чўққига чиқиш вазифасини қўйди. Бу марра эгалланди, фақат жуда катта меҳнат, мураккаб шароит, улкан тадбирлар туфайли амалга оширилди. Республика 18-20 центнерлик донвонда қарийб ўн йиллаб депсиниб турди. Шарроит шундай эди. Қачонки, пахтанинг беш мухим омили — ер, сув, механизация, мелиорация, химизациядан фойдаланиш тўғри йўлга қўйилган 60-йилларда ҳосилдорлик кескин орта борди. 1967 йилда республикада биринчи марта ўртacha 25 центнерлик маррага етилди. Пахтачилик тарихида рекорд йил саналган 1974 йил 31 центнерлик донвонга чиқилди. Статистик маълумотларда ҳосилдорликниң юксалиш низалапоялари мана шундай.

— Хўш, юз центнерчилик қандай пандо бўлгани эди дейсизми? «Юз центнерчилик» — раҳматовчилар ҳаракати билан боблиқ ташаббусий ўзбекистон биринчи юзни уни даст таш олмагани, тажриба тасдиқлашганди. Узбекистон ҳақли равишда пахтачилик академиясига айланди. Бироқ биз ҳануз юз центнердан ҳосил олиб, уни илмий-амалий исботлаб берган шундай кишини кўрмадик.

— Пахтачиликни комплекс механизациялаш, йигим-теримдек маشاқатли мавсумни машиналаштириш ҳақида, қалдиргоч механизаторлар — Турсуной, Мелиқўзи ва бошқаларининг илк қадамини биринчи бўлиб олқишиланган, қувватлаган журналист сиз эдингиз. Мана, механизаторларимиз йўлида кўк чироқ порлаб, механизациянинг қудратли қаноти кенг қулоч ёзганига ҳам бир неча йиллар бўлиб қолди. Республикада биргина терим машинасининг ишини намунали йўлга қўйиш муаммо

бўлган йиллар ҳам эсимида. Энди эса республикамида йилига ўртacha 30—35 минг машина ишламоқда. Ўтган йили механизаторлар ялпи ҳосилнинг ярмидан кўпроғини — 2 миллион 700 минг тонна пахтани машинада териб олдилар. Айрим механизаторлар минг тонна ва ундан ошириб пахта теришга муваффақ бўлдилар...

— Минг тоннага даъвогарлар ҳозиргача икки-уч киши, уч-тўртта 900 тонначилар бор...

— Мен икки-уч йилдан буён минг тонначилар ҳаракатини иштиёқ билан кузатиб келаман. Назаримда, фақат икки-уч кишининг номи такрорланади, холос. Нега бу ҳаракат оммавий тус олиб кетмаяпти? Нега минг тонначилар билан бирга қолган минг-минг механизатор орасидаги фарқ бунчалик катта? Нега бир хил машина, бир хил имкониятда бирор минг тонна, бирор 150 тонна пахта теряпти, холос? Нега Турсуной минг тонна пахта тера олмади? Нега Мелиқўзи, Валентин Тюпко, Шоймардон, Мамажон, Манноб ёки Жаводлар минг тонна теришмади? Уларниг кўплари энг сўнгги марказдаги машиналарни бошқаришган эди чамамда?

— Тўғри айтасиз, Назир Сафарович, улар энг қудратли терим машиналарини синовдан ўтказган яловбардор механизаторлардир. Улардан баъзилари, масалан, В. Тюпко қарийб йигирма йилдан буён янги терим машиналарини синовдан ўтказиб келади. Айтиш мумкинки, энг янги техника доим унинг қўлида бўлади. Бироқ у бир мавсумда 120 тоннадан ошириб пахта тера олган эмас. «Валентин

Афапасъевич, нега ҳамкасларингиздан орқада қолиб кетяпсиз? Отни қамчиласангиз-чи, ахир?» — дедим бир кўришганимизда. «Агар қамчи билан барча от бедов бўлганида эди, ҳамма отни қўйиб, қамчи танлаган бўларди», — деди механизатор образли қилиб. Машҳур «Ўзбекистон» терим агрегатлари консерваторлар умид қилган энг сўнгги гояларни ҳам узил-кесиб бузиб ташлади. Энди бу машиналарининг афзаллигига ҳеч кимда шубҳа қолмади. 70-йиллар терим машиналарининг тўла галабаси билан бошланди.

— Ўрта Осиё машина синаш станциясида кўп марта бўлганман. «Туркманвакуум»дан тортиб, энг замонавий машиналарга қадар машина шу даргоҳда синовдан ўтиб, ҳаётга йўлланма олган. Радиодан миরзачўллик Аҳмад Валиев мавсумда 1130 топна нахта теринти детан хаоар тараған кезларда ана шу станция раҳбарларидаи бирини учратиб қолиб, бу галабага шерик сифатида уни чин юракдан таборида бу машина синовдан ўтиб, ҳаётга йўлланма олган генерларнинг ҳам ҳиссалари оорлигини онламан-да. Бироқ, бу табрикдан унинг кўнгли тўлмай турганини кўрдиму ажабланиб қолдим.

— Нега энди?

— Гап шундаки, станция раҳбари мени энг замонавий терим машинаси XН-3,6 маркали «Ўзбекистон» агрегатининг фойдали иш коэффициенти билан таништирди. Маълумки, станцияда бир неча ўй йиллардан бўён терим машиналарининг технологик лабораторияси ишлаб турибди. Ана шу лаборатория бевосита практик шароитда ишлаб чиққан технологик ҳисоб-китоблар мана бундай:

Айтайлик, терим машинаси бир кунда ўртacha 10 соат ишласин. Бу етарли муддат. Машинада терилаётган майдоннинг ҳосилдорлиги

35 центнерни ташкил этганда, машина биринчи теримда ўртача 21 центнер ҳосилни йиғиб ололади. Агар ҳосилдорлик 40 центнер бўлса, биринчи терим 24 центнерни ташкил этади. Терим агрегати бир соат ичидаги биринчи теримда 0,56 гектар, иккинчи теримда эса 0,97 гектар майдоннинг пахтасини териб улгуради.

— Кўпроқ майдоннинг пахтасини териб улгурмасликка сабаб шима? Нега энди бир соатда фақат шугина майдон?

— Машина конструкциясидан маълумки, унинг ишчи органлари биринчи теримда биринчи тезликда юришга мослашган. (Биринчи тезлик эса 3,5—3,6 км/соат.) Биринчи теримда пахта кўп, барабан ва шпинделлар уни «хўплаб» улгуриши учун бирмунча секин ҳаракат қилишини тақозо этади. Шпиндель ва барабанларнинг айланиш тезлиги бири иккинчиси билан узвий боғлиқ. Биринчи теримда ортиқча тезлик пахтани тўкиб кетишга олиб келади. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Иккинчи теримда пайкалда ҳосил нисбатан оз бўлади, албатта. Шу сабабли машина, иккинчи теримда иккинчи тезликда (4,5 км/соат) ишлайди. Шунга боғлиқ равишда шпиндель ва барабанлар тезлиги ҳам ортади.

— Айтайлик, тўрт қаторли машинанинг мавсум нормаси неча тонна? Нормани бажариш учун ўртача неча соат талаб қилинади?

— Хуллас, терим агрегати билан мавсумда биринчи теримда 10 соат ишлаганда ҳосилдорлик 35 центнерни ташкил этган майдондан ўртача 117,6 тонна, ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил этган майдонда эса ўртача 134,4 тонна пахта териш мумкин. Машина иккинчи теримда ҳам кунига 10 соатдан ишлаганда, ҳосилдорлик 35 центнерлик майдонда ўртача 47,5 тонна, ҳосилдорлик 40 центнерлик майдонда 55 тонна пахта териш мумкин.

донда эса ўртача 54 тонна пахта териш мумкин. Шундай қилиб, ҳосилдорлик 35 центнерлик майдондан мавсумда бир машина билан ўртача 165,1 тонна, 40 центнерлик майдондан эса 188,4 тонна пахта териш мумкин. Бу аслида бир машина учун нормал нагрузкадир. Ҳозирги технологик тавсияларга кўра биринчи теримни 10 кунда, иккинчи теримни эса 8 кунда тамомлаш кўзда тутилади. Бунда машинанинг техник қарови ва муайян техник жараёнлар нисбатан ўртача ҳисобга олинган. Яъни машинанинг зарурий тин олиш дамлари, механизаторларнинг бункерни агдариш, шпинделларни ювишга кетадиган вақти ва бошқа техник жараёнлар кўзда тутилади. «Айтайлик, машина мутлақо тўхтовсиз ишлаганда ва у ҳеч қандай техника қаровига муҳтож бўлмаса, балки 1000 тонна териш мумкин

— Аввало, мутлақо техника қаровига муҳтож бўлмаган машина ҳозирча яратилгани йўк. — тейти сиповчи-инженер. — Лекин лабо-

рибди. Эҳтимоллик назариясига асосланган ҳолда, албатта. Ҳосилдорлик 35 центнерни ташкил этган майдондан 1000 тонна пахта териш учун тўрт қаторли машина ҳеч қандай тўхтовсиз (!) кунига 10 соатдан ишлаганда 475 гектар биринчи терим пахтаси керак бўлар экан! Агар ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил этгудай бўлса, 415 гектар майдон керак экан. Бу ҳолда республикага ҳозиргидек 30—35 минг эмас, 2,5—3 минг машина кифоя қилган бўларди.

— Демак, шу ҳисобда Мирзачўлда, Жиззах ва Қарши чўлларида, ҳосилдорлик ўртacha 20—22 центнерни ташкил этган қўриқ ерларда 1000 тонна пахта териш учун қарийб

900—1000 гектар пахта майдонн талаб қилинада?

— Шундай. Агар бир машина 1000 тонна пахта терпшга қодир бўлганда эди, 2—2,5 минг гектар майдонда дехқончилик қилаётган ўртача хўжаликка 3—4 та механизатор кифоя қиласан бўларди. Афсуски, ҳаётда бошқача ҳол. Ҳозир ўшандай ўртача хўжаликда камида 18—20 та терим агрегати, 30—40 та механизатор талаб қилинади.

— Машинанинг умумий иш соати ва узлуксиз иш соати ҳақидаги тушунчаларда фарқ бор, албатта. Машинанинг умумий иш соати эрталаб уни мотор қизитишдан бошлаб тунда то тўхтагунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу орада бевосита териш билан bogлиқ бўлмаган бир қанча операциялар — уватлардан бурилиш, бункер ағдариш, шпинделларни ювиш, бункерларни пресслаш каби бир қанча технологик жараёнлар бор. Узлуксиз иш соати эса машинанинг соф терим муддатидир.

— Буни тўғри тасаввур қилиш учун «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида лаборатория синовидан ўтган XН-3,6 терим агрегатининг 1974 йил техник паспортига назар ташлаш ўринли бўлар. Жумладан, ундаги технологик таблицада шундай факт ва рақамларни учратамиз: машина 10 кун узлуксиз 8 соатдан ишлаганда 22,43 соат узлуксиз иш билан банд бўлган. Шу муддатда 86 тонна пахта терилиган. Лекин, машина, айни пайтда, 42,2 соат зарурӣ технологик жараённи бажарган. Қолган муддатда эса меҳаник-ҳайдовчи кунига иш соати орасида 1—1,20 соат дам олган. Савол туғилади. Зарурӣ технологик жараёнлар нималардан иборат? Машинанинг қўлини тутган операциялар муддатини қисқартириш мумкин эмасми? Шу 10 кунлик иш жараёнида машина

85 марта эгатлардан эгатларға бурилган. 85 марта, яъни ҳар сафар эгатдан эгатга бурилганида түлган бункерни эгат бошида турган тележкаларга ағдарган. Бу икки операция учун 10 кун давомида 6 соатдан ортиқроқ вақт сарф этган. 6 марта машина бакига сув қўйилган, бунга 37 минут вақт сарфланган. 10 марта шпинделлар ювилган, икки соату 87 минут вақт сарф бўлган. Машинанинг ишчи органлари 4 марта тўғрилаб қўйилган, бунга бир соату 63 минут сарф қилинган. Машинанинг сўриш камераларини 10 марта тозалашга тўғри келган. Бунга қарийб 1 соат вақт кетган. Шпинделларни ўтлардан тозалаш учун машина 12 марта тўхтаган. Бунга 2 соату 23 минут сарф бўлган. Бир марта ҳаво сўриш корпуси бузилган. Уни тузатишга 8 минут кетган. 128 марта бункерни пресслашга тўғри келган. Бу ҳам зарурӣ операшнайтири. Бунга бункерга мўлжалдаги пахта сифмайди. Акс ҳолда ҳар 300—400 килограммда бункер тўлиб колиб. уни тез-тез яғпаришга

дан кўра бункер ярим бўлганда тамбалаб — пресслаб турган маъқул. Ана шундай 128 марта пресслаш учун 4 соату 20 минут вақт кетган. Бу орада бир марта бункерни ва бир марта пневматик тормоз системасини тозалашга тўғри келган. Булар учун 18 минут, яна бир қанча майда-чуйда технологик жараёнлар учун бир неча минут сарф бўлган. Хуллас, машина узлуксиз 22,43 соат пахта терниши учун яна қўшимча 42,2 соат умумий технологик жараённи бажаришга тўғри келган.

Ўтган йили Ўзбекистон районидаги Fafur Fулом номли колхозда бўлганимда айни пахта йигим-терим маҳалида яп-янги терим машиналардан бир нечасининг қантариглиқ тур-

жанини кўрдим. «Нега бу машиналардан фойдаланмайсиз?»— деб сўрасам, колхоз раиси: «Бизда қўл кучи етарли, шундоқ ҳам пахтамизни bemalol териб оламиз», деб жавоб қилди. «Унда нима қиласиз буларни сотиб олиб?»— десам, «Биз сўраганимиз йўқ, «Узсельхозтехника»дан ўзлари жўнатган, пули миздан босиб қолишади, албатта», дейди раис.

Бу жавобни шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқдир. Ҳали ҳамма жойда ҳам техниканинг қудратидан фойдаланишга етарли эътибор бериляпти деб бўлмайди. Демак, бизда ҳали ишии ташкил этишда, механизациянинг оммавий даражасини ошириш учун ҳамма кучни минг тонначиликка буришдан кўра муҳимроқ муаммолар бор. Минг тонначилар қандай пайдо бўляпти? Келинг, биз ҳозир унинг сабабларини ахтариб ўтирмаймиз, уни шундай ҳам пайқаб олиш мумкиндирик балки... Аввало, бир масалани аниқлаб олайлик, минг тонначилик ҳаракати қонуний ҳолми? У заруратми? Ҳамма диққат-эътиборчи жалб этиб, барча кучларни минг тонначиликка сафарбар этишга эҳтиёж борми? Бизда ҳар мавсумда 30—35 минг машина ишлаб туарар экан, уларнинг ҳар бири билан ўртача 100 тоннадан пахта терилганда 3—3,5 миллион тонна бўларди! Бу механизация тарихида янги рекорд бўларди? Хўш, ана айтайлик, бир механизатор кечакундуз ухламади, тинмади, ором нима билмади, борингки, шу алфозда минг тонна пахта терди ҳам дейлик. У аввало машинада бунча пахтани тера олмайди. Унга камида иккита ёки учта машина кепрак бўлади. Яна анча-мунча ёрдамчилар берилади. Бирор унинг пахтасини тўкиши, бирор чипинделларини ювиб-тозалаб туриши даркор. Ҳар одам эса аллақандай рекорд кўрсаткич

ортидаи қувлаши керак. Шунда таниарх ҳам мутлақо арzon бўлмайди. Бунинг ўринига шу рекордчи механизатор ўз ёрдамчиларидан ёш шогирдлар тайёрласа, улар мустақил машина бошқаришни ўрганиб, бевосита теримга қатнашгани фойдалироқ бўлмайдими? Бир киши зўриққан ишни икки киши бемалол, энг муҳими, анча сифатли бажарган бўлмасмиди? Яна энг муҳими, имкон борича, ҳар ким ўзи етиштирган, заҳмат чеккан, ҳосилдорликдан бевосита манфаатдор бўлган пахтани тергани маъқул эмасмикан? Бунинг устига-устак, биз механизаторнинг нормал яшашини, яхши дам олишини, китоб ўқиши, телевизор кўриши (ахир биз уларга атаб концертлар кўрсатамиз), қолаверса, вақтида оиласда бўлишининг, фарзанд тарбиялашининг тарафдоримиз. Бунинг унучи механизаторнинг эсасе ташнид ўлиш талаб этилади. Албатта булар менинг шахсий фикрим, уларни ўқлаб, мулоҳаза билан кабул килишларини истарлим. Качонлар-кин, бу шубҳасиз. Терим машиналари такомиллашяпти. Лекин машинанинг минг тонна пахта териши ёлғиз машинасини такомиллигигагина боғлиқ эмас кўринади. Пахта майдонларини машина теримига мослаштиришни ҳам такомиллаштириш керак бўлади, механизаторнинг малакасини ошириш ва энг муҳими, пайкалда юқори ҳосил етиштиришни таъминлаш лозим бўлади. Қозонда бўлса чўмичга чиқади-да. Бироқ ҳар қандай машинанинг ҳам имконият чегараси бўлади. Шуни унутмаслик керак кўринади!

— Агар минг тонна реал имконият бўлганда эди, бу довонга республикада йилига анчамунча механизатор чиққан бўларди. Минг тонналик довонда эса йилига деярли бир хил

шомлар устма-уст тақрорланыпти. Бироқ минг тоңначилардан ҳеч қайси бир қаҳрамоп бу иөбб тажрибани батағсил асослаб беролмаяпти. Нега? Шу ўринда бир факт ёдимга тушди. Ўтган йили редакция топшириғи билан мен ҳам Ўрта Осиё машина синаш станциясида бўлган эдим. Шунда станция директори Эркин Ҳайдаровиҷ бир характерли воқеани сўзлаб берганди: «Бултур охир кузакда, Бутунитти-фоқ ҳалқ хўжалик ютуқларин Виставқасида Ўзбекистон кунлари ўтказилиши туфайли бир групса механизаторлар билан Москвага жўнайдиган бўлиб қолдик, — деди станция директори Э. Ҳ. Эгамбердиев.— Делегатлар махсус поезд билан Тошкент вокзалидан жўнадик. Кўкраги турли-туман тақинчоққа тўлиб-тошган, улар орасида... «Қаҳрамон опа»лик медалидан тортиб, ГТО — БГТО нишонларигача тақилган ҳамхонамиз... мирзачўллик ўша, машҳур механизатор билан бир кунега тушиб қолибман. Кўришганимиздан хурсанд бўлиб, суҳбатлашиб кетдик. Суҳбатимиз мавзуни терим машиналарга келиб тўхтади. Мен юрагимдагини очиқ тўкиб-солишга қарор қилдим:

— Кечирасиз, дўстим, — дедим механизатор ҳамхонамга лутфан муомалада бўлиб — Сизга оғир ботмасин, мен шу машиналарни синаб берадиган Ўрта Осиё идорасининг раҳбаримаи, сиз билан бир учрашишини орзу қилиб юргаидим. Мана, ўтган йили бир минг бир юз тоңнадан ошириб пахта терибсиз, деб эшитдим: Биз синовдан ўтказган машиналар сиэдай лочининиг қўлида шунча яиги имкониятларга эга бўлибди, бошимиз кўкка етди. Шунинг сирларини бир далил-исбот билан шарҳлаб бера олмайсаным?

— Ҳи-ҳи-ҳи,— деб қотиб-қотиб куларди

ҳамсуҳбатим. Афтидан, у бу саволдан «ҳи-ҳи» билан қутулиб кетмоқчи бўларди.

— Машинангиз «Ўзбекистон» маркасининг қайси туридан? XН—3,6 ми ёки Т 28—Х4 ми? — сўрадим жиддийроқ тус билан.

Унинг юзидан бир оз қон ҳочиб, ўйланиб қолди. У машинасининг тўлиқ хусусиятлари тугул, маркасини ҳам аниқ билмас экан.

— Кечирасиз, ака, — деди бир оздан кейин яна мулоим «ҳи-ҳи» билан. — Ўзингиздан қолар гап йўқ... Сиздай акаларимиз ёрдам қилмаса қаёқдан терамиз минг тоннани. Энди, мана шу битта юлдуз олгунча шундай териб турамиз-да... Хатомиз бўлса кечирасиз, узр, инженер бўлсангиз ўзингиздан қолар гап йўқ...»

Ана шу суҳбатдан сўнг менда ҳам бу «синоат»га ишопч қолмали, аксинча шубҳа билан қараб қолдим.

— Гапимиз бир ердан чиқпоб қолди. Лекин шунга қарамай, бу ҳақда ҳамон ошириб ёзиб

лар ҳақида ёзилган очеркларни эслаб қолдим... Мана, сўзлар илиқ, ташбеҳлар чиройли, манзаралар нурвиқор, ҳаммаси жойида, лекин очеркнинг қалби... бўм-бўш! Ўқилган сайин ака-укалар ташаббусининг асл моҳияти нимадан иборатлигига бош қотади. «Янги терим машиналарини тутқазиб қўйса, 20—30 кун пахтар териш учун шунчалик жар солиш керакми?» деган бир савол билан «чиройли» очеркнинг ҳам, замири бўш бу ташаббусининг ҳам чуви чиқади! «Бургут болалари» эмиш! Бургутларни бир тасаввур қилинг-а, одам бекорга бу учқур қушга ҳавас билан боқмайди!..

Мирзачўлда, Қарши чўлларида бўлганмисиз? Чўлқуварларнинг қалбига қулоқ тутганмисиз? Иил—ўн икки ой тер тўкиб, чигит экиб,

ғўза чопиб, ягана қилиб, эгат олнб, сув суғориб, саратон жазирамасида күйиб-ёниб, пахта учун жон бериб-жон олиб юрган йигит-қизларнинг қалбига, сўзига разм солғанмисиз? Уларнинг аксарият кўпчилиги янги терим машинасининг рулини тутишни йиллаб орзу қилишади! Ёиларида гувоҳномалари ҳам бор. Бироқ янги машиналар ҳаммага ҳам мұяссар бўлавермайдн-да! Йилига етишиб чиқаётган ёш механизаторлар ўн-ўн беш мингдан ошади Ишлаб чиқарилаётган янги машиналаримиз эса саноқли.

Мана тўрт йилдирки, ака-укалар мукофотга олинган енгил машиналарда чўлга келиб, йигирма-ўттиз кун «гастроль»да юрган каби янги терим машиналарида завқ билан пахта теришади! Улар шу йиллар мобайнида биронта эски машинанинг юзини кўришгани йўқ. Аксинча, 20 та янги терим машинасини ишдан чиқаришди! Гап уларнинг мукофотга олган енгил машиналарида ҳам эмас... Деконинг ҳамма меҳнати пахтани йифиб-териб олишдангина иборат деб билганлар хато қиласидар. Ҳосил етиштиришдек оғир меҳнат жараёнини ўз қўли билан пахта етиштирган деҳқонгина билади, уларгина ҳис қила олади. Кузги ҳосилнинг ташвиши бултурги куздан бошланганини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Кузги шудгор, ариқ-зовур тозалаш, далага тонна-тонналаб маҳаллий маданий ўғит чиқариш, ҳамда яхоб, чилла суви бериш, шўр ювиш, ср текислаш, тупроққа минг марта кафтuriб чигит экиш,. об-ҳавонинг энг инжиқ кунларида ҳафталаб экилган чигитнинг нишона кўрсатишини эрта-ю кеч пойлаш, қатқалоқ ичидан қуш тилидай кўринган ғўза ниҳолини киприк билан суягандек авайлаб парвариш қилиб, ардоқлаб, қатқалоқ, дўл, жала, сел би-

лан олишиб, гоҳо енгиб, гоҳо енгилиб, қайта чигит экишлар... Эҳе-ҳа, қайта-қайта уч-тўрт марталаб июнь ойига қадар чигит экиш, туну кун уруғнинг ниш уришини орзиқиб кутиш онлари... Шундай машаққат билан бўй чўзган ниҳолни дехқон сўймай, ким сўйсин?! Дехқон ардоқламай, ким ардоқласин?! Дехқон уни иқболим, фарзандим демай, кимни эркаласин?!

Саратонда дехқон туну кун фўза бошида парвона бўлиб, шарбат билан суфориб, кунмакун шона, гул, кўсак санашларини айтмай қўяқолай! Пахтам тезроқ пишсин, тезроқ очилсин, машина теримига мослашсин деб дехқон самолётлардан сочилган заҳарга кўксини тутиб беради. Ёки дефоляция пайтида биронта дехқон пахтасини ташлаб қочиб кетадими? Фўзасини кўзи қиармиш?

Ана, налтавочилди, чаноқлар чаман-чаман... Дехқон уларни кўриб, чарвоқларини бир зум унутгандек бўлади.

Худди ИУ Кўзничи жонибо «Ҳамони маҳор» марти минг ан «ака-ука шоввозлар» 20 кунда ҳосилни териб олишади. Очиқ куз кунларида қилингани 20 куплик меҳнатиниг «қиммати» дехқоннинг йил—ён икки ойлик меҳнат ҳақидан бир неча баробар ортиқ бўлаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Бу масаланинг моддий томони, холос. Лекин бу аҳволдан дехқон озмунча маънавий оғринадими? Ахир, шу фўзани ўстирган, шу ҳосилни яратган дехқонлар шу машиналарни бошқара олмасмиди? Аксинча, у юз марта авайлаб, минг марта тозалаб терган бўларди ўзи етиштирган дурни. У шу машинани ҳам минг марта авайлаб, эҳтиёт қилиб ишлатган бўларди. Чунки, у шу машинасидан келгуси йили ҳам фойдаланади-да! Нега биз совхоз-

да туп қўйиб, палак отган ишчини қўйиб, янги машинани бор-йўғи совхозга бир ойга «командировка»га келган одамларга тутқазамиз? Енгил машиналарнинг «мукофот»га берилиши эса ҳеч бир рамкага тўғри келмайди! Бу бошқаларга ёмон таъсир қилиши мумкин-ку?

— Тўғри айтасиз, Назир Сафарович, бу масалалар етилган кўринади. Мен яқинда Ильич районида бўлганимда совхоз раҳбарлардан бири: «Айтинг-айтинг, келгуси йили «ака-ука»ларни бизнинг совхозга жўнатиб қолишмасин-да, ишқилиб... Уларни бир марта «синаб» кўрган совхоз директорлари иккинчи йили тутқич бермай қочишаپти...» деди рўйирост.

— Ана қаранг, ёрдам беминнат бўлиши керак-да. Бу ўринда мен «ака-ука» ташаббускорларни сира-сира айбламоқчи эмасман. Бу ўғлонларга фақат раҳмат айтиш керак. Раҳмат ҳам катта мукофот. Гап фақат уларга кўрсатилган алоҳида илтифот устида боряпти. Чунки, бизда пахта йифим-терими — умумхалқ ҳашари. Ҳа, деган туяга мадад. Бизда бу маддининг қадрига етмайдиган одам йўқ. Бироқ, бу «мадад» дехқонни ризқи насибдан айримаслиги ва иззат-нафсига тегмаслиги керак-да. Унга маънавий оғир ботмасин. Айтайлик, агар ака-укалар 1000 гектар майдоннинг пахтасини териб бериш ўрнига 1 гектар майдонда пахта етиштириб, ақалли ўртacha ҳосил олиб берсалар — бўнинг ижтимоий аҳамияти ҳам, моддий ва маънавий қиммати ҳам юқорироқ бўларди! Бундай ташаббуснинг ҳаётдаги илдизи бақувватроқ, мустаҳкамроқ бўларди. Бу ҳолда уларнинг бир эмас, бир неча баробар қадор ошган бўларди.

Бу борада ҳам ҳаётда мисоллар кўп. Мана, Инобат Охуновани олинг, опаси Турсуной-

нинг изидан бориб, чўлга кўчиб келди; янги ер очди, чигит экди, фўза ўстирди, пахтасини ўзи терди. Иnobat минг тонналаb пахта термаган бўлса ҳам, мисқоллаб пахта етиштириди. Қувондиқ Абдураззоқов, Тўлан Дадажонов, Фармоқул Раҳмонқуловларни қаранг! Ўзлари мисқоллаб пахта етиштириб, ўzlари авайлаб терадилар. Мана бу мардлик. Пахта териш билан етиштиришнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

— Бироқ бу хулосаларни машинада пахта териш бўйича социалистик мусобақани авж олдиришга тўсқинлик деб тушунмаслик керак. Социалистик мусобақа — бу жонли ва айни пайтда онгли ҳаракатdir. Шу туфайли ҳам биз онгли равишда реал социалистик мусобақа, реал ташабbusлар тарафдоримиз.

— Социалистик мусобақа, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг вош секретари Л. И. Брежнев ССР 50 йиллигига бағишлиган тантанали қўшма мажлисда, — омманинг жонли николи бўлди. ишни таъминотлаш ва рафоатлантиришгина эмас, балки орқада қолган ёки етарли даражада ҳалот меҳнат қилмаётгани кишиларни ҳам аниқ билиб олишни талаб этади. Бу ишни ҳамманинг кўз олдида ошкора бажариш керак, токи кишилар куч-гайратларини сарф қилиб ишлаётганларнигина эмас, балки хўжа кўрсинга, қўл учи билан ишлаётганларни ҳам билиб олсинлар.

— Ҳа, бизда ҳаётий, реал ташабbusлар, социалистик мусобақа ҳаракатлари кундалик ҳаётимиз ва турмушимизнинг асосий шартларидан бирига айланган. Оммавий ватанпарварлик ташабbusлари янги резервларни излаб топиш ва ишга солиш, эскилиқ устидан янги прогрессив кучларнинг ҳақли ғалабаси каби

объектив қонуниятга — коммунизм қурилишнинг буюк идеалларига хизмат қилишга бўйсундирилган. Бундай қутлуғ ҳаракатлар қаршиисида тоғлар тиз чўкмоқда, маъданлар ўз қаърини очмоқда, асов дарёлар тўсилмоқда, асрий чўллар боғу бўстонга айланмоқда. Олияхон Султонова ва Турсуной Охунова, Валентин Тюпко ва Мелиқўзи Умрзоқов, Жавод Кўчиев ва Манноп Жалоловлар, aka-ука Мамажон ва Тўлан Дадажоновлар ҳамда уларнинг минг-минглаб издошларининг ватанпарварлик ташаббуслари ана шундай қутлуғ қадам билан бошланган ва чинакам оммавий ҳаракатга, зарбдор кучга айланган эди.

— Худди мана шу ўринда очеркнинг қудратли кучи намоён бўлиши мумкин. Мингтонначилар ёки шу хилдаги «ташаббускорлар» ҳар қалай тўй-томушага эмас, каттами-кичикими, меҳнатга отланган кишилардир. Лекин уларнинг ташаббус йўли чинакам ватанпарварлик мезони бўлмай, балки маълум иш услубидаги нуқсонлар-ку. Бир механизатор бир йилда 1130 тонна, aka-укалар бир йилда 2 ярим минг тонна пахта териб берибдилар. Бу бутун бошли бир колхознинг кўрсаткичи-ку?! Лекин бу хилдаги хатолар пуфак каби ёрилмагунча шишиб бораверади. Бироқ адабиёт нуқтаи назаридан бундай «қаҳрамон»лар ҳам керак. Адабиёт хазинаси ҳаёт қонуниятлари ҳисобига бойиб бориши керак. Шу сабабли ёзувчи бундай «пуфак қаҳрамон»ларни ҳам ўрганиб, бадиий асарда уларнинг ташқи ва ички «сурат»ларини чизиб бериши керак бўлади. Адабиёт учун бу қаҳрамонларнинг ҳам ўз қиммати бор. Биз салбий образларни қачонгача «тўқиб» чиқарамиз? Улар ҳаётда ҳам тўлиб ётибди...

Овечкинchasiga ёзилган чинакам бадиий

очерккиси бу ўринда наф келтиради. Сиз Овечкиннинг баъзи очерклари сабаб бўлиб колхоз Уставига жиддий ўзгаришлар киритилганини ёки М. Шагиняннинг «Икки вариант» очерки асосида бутун бошли темир йўл қурилишининг лойиҳаси тубдан қайта қурилганини эшитгандирсиз, албатта. Бадиий очеркнинг мана шу қудрати билаш фахрланамиз.

## ЭВАЗИГА ФИДОЙИЛИК СУРАЙДИ...

— Назир ака, бизнинг кунларимизда газета-журналларда ёзувчилар сафари, рейд бригадалари ҳақидаги тафсилотларни тез-тез учратиш мумкин. Афсуски, кўп ҳолларда, бундай таассуротлар «анда бордик-бунда келдик...»дан нарига ўтмайди. Ҳатто, нима еб, нима ичганигача чайналиб ёзадиганлар ҳам йўқ эмас. Агар адашмасам, «Карвоибоши Меликъузин» ҳам ренд орнадаси сафарида туғилган очерк эди шекилли? Ёзувчилар сафари ҳақида машҳур совет ёзувчиси Михаил Шолоховнинг ушбу сўзларидан шакни ёнимни бўлдиши. У «травда» муҳомри ойлан (1974 ийл, 31 июль) қилган сухбатида шундай деган эди: «Баъзан шунақаси ҳам бўладики, ўилаб, йигирмалаб шоир-ёзувчилар мамлакат бўйлаб сафарга чиқадилар, алланарсаларни ўқиб берадилар, нутқ сўзлайдилар, қандай ишлаётганликлари хусусида ҳикоя қиласидилар: Бундай учрашувларда китобхон кўпдан бери сиртдан танийдиган ёзувчининг афтини кўради, холос. Умуман олганда, сафарлар ва китобхон билан мулоқотда бўлиш — керакли иш. Бироқ, тез-тез шундай овозлар ҳам эшитилиб қоладики, улардан тегишли хулосалар чиқарсан, ёзувчи ўзи ёзган аллақайси асарини ўқувчига тушунтириб беришга интилаётгандай туюлади... Шуни унумаслик керакки, ҳамма

даврда ҳам ёзувчи халқдан ўргамиб келган, аксинча бўлиши мумкин эмас...»

— Бу жуда оқилона гап. Биз халққа ўргатиш учун эмас, аксинча, ундан ўрганиш учун, кўпроқ халқ ҳаётига кириб бориш, унинг турмуш тарзига яқинроқ бўлиши учун ижодий сафарларга чиқишимиз лозим.

Мен кўпгина коллектив рейд бригадаларида иштирок этганман. Улардан кўпчилиги ижодимда ва ҳаётимда ўчмас из қолдирган. Мисол тариқасида шулардан иккитасини — моҳият-эътибори билан бир-биридан икки қутб каби фарқланадиган икки хил сафар ҳақида таассуротларим билан ўртоқлашайин.

Бундан ўн беш йилча муқаддам Шомил Алядин, Адҳам Раҳмат, Туроб Тўлалар билан бирга Фарғона водийсига сафарга чиқсан эдик. Рейд бригаданинг умумий ижод плани билан бир қаторда ҳар бир ёзувчининг қалбидаги ҳам ўз темаси, ўз режалари бўлади, албатта. Менинг қалбимни ўша йилларда пахтани машинада териш муаммоси бутунлай банд этган эди. Қаерга борсам, кимни учратсам, сўраганим — сизларда терим машинасини ишлатишда қандай янгиликлар бор? — деган саволдан бошланарди.

Бу сафар ҳам шундай хаёл билан Намангандаги тўхтаб, область газетасига кирдик. Ўша йилларда «Намангандаги ҳақиқати»га журналист Санжар Тилла редакторлик қиласарди. У бизни хушнудлик билан қарши олар экан, ҳар биримизнинг турфа саволларимизга жавоб топишга интилиб, менга ўгирилди-да: «Назир ака, сизбоп бир қаҳрамон бору, лекин... иши юришмай турибди-ла». — деб қолди. Мен ҳам: «Ана иш юришмаганидан гапишиб», — телим. «Очеркбоп қаҳрамону, — дели Санжар Тилла ўйчан, — лекин ҳеч иш қитолмаяпти... терол-

маяпти». «Нега?» — дедим ажабланиб. «Теролмаяпти-да, — деди редактор гапни лўнда қилиб. — Борсангиз кўрардингиз, ўзига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабаблар ҳам бор экан...»

— Қаерда? Ким деган?

— Мелиқўзи Умрзоқов... Попдаги Ленин номли колхозда.

— И-е, Аҳмаджон аканинг колхозидами? — дедим ва бу колхозда бўлганидан суюниб кетдим. Аҳмаджон Одиловни кўриб кетишга яна бир баҳона топилди. Кўнглимда яна аллақандай ишонч ҳисларини сездим: «Аҳмаджон Одилов унча-мунча ташаббусни аросат йўлда қолдирадиган одам эмас. У бир ишга бош қўшган бўлса, охирига етказмай қўймас...»

Биз ўша куни Попга жўнадик. Поп йўлидаги Сталин номли колхоздан ўтиб борарадик, бир пайманда панта терасланнини кишига кўзимиз тушди. Бир оқ яктакли чол ва бир қиз. Сўрашиб, танишиб олдик. Ота-бола экандар

Туроб Тўлага.—Мен отаси билан гаплашай.

— Машиналарингиз йўқми, пайкалла биронтаси ҳам кўринмайди-ку?—сўрадим чолдан.

— Машиналаримиз борликка бор-а, — деди чол нимадандир куйиниб, — мана, қизим Ширмоной ўқиган, механизаторлар курсини битириб келди. Машиналар турибди, беришмайди.

Туроб Тўла йўл-йўлакай шоирона пичирлаб юрди: «Ширмоной» қўшифи мана шундай туғилган эди. Дастрлаб сафарда бизга ўқиб берганди.

Мен эса ўшанда кундалигимда шуларни битиб қўйган эканман:

«Хозирча Мелиқўзига ўхшаганлар бармоқ

билин санарлик. Бироқ Мелиқўзининг етти тоннадан пахта тераётганига ишонмаётганлар жуда кўп. Умуман, терим машинасини тириклийин гўрга тиқишига тайёр турган раисларимиз ҳам оз эмас. Мана шундай беғамлик ҳукмрон бўлган бир шароитда янгиликнинг томир ёйиши жуда қийин. Пахтани қўлда териш билан улар гўё колхозга, давлатга фойда етказмоқчи бўладилар. Куни кеча биз бўлган колхозда рўй берган воқеа ҳаммамизни ғазаблантирди. Машина терими учун ажратиб қўйилган пахтани қандайдир номаълум теримчилар териб кетган эмишу, бундан бригадир хабарсиз эмиш. Ким ишонади бу найрангбозликка?

Ҳозиргина Сталин номли колхозда бўлдик. Ширмоной деган чевар теримчининг иши билан танишдик. Ўтган йили у қўл билан 30 минг килограмм пахта терган экан. Бу йил ҳам шунча териш ниятида. Хўш, Мелиқўзининг муваффақиятига ишонмасак, Ширмонойлар сингари ватанпарварларимизни бу оғир меҳнатдан қачон қутқазамиз, ахир? Ўттиз тонна пахтани хирмонга тўкиш учун уч ой ҳар куни уч юз-уч юз эллик килограммдан пахта териш керак. Ширмонойга ўхшаш теримчилар дам олиш вақтини, ўз пайтида овқатланишни билмайдилар. Баъзи одамлар йигирма-ўттиз тоннага етказиб пахта тераётганларнинг меҳнатини роҳатижон деб ўйлайдилар. Қорақалпонистонлик Ойим Қамолова, Поп районлик Ширмоной Мирсултонова, бухоролик Ҳамро Назаровга ўхшаган йигит-қизларимизнинг бу ажойиб ҳаракатларига ҳукуматимиз юксак баҳо бермоқда. Лекин бу ҳаддан ташкари оғир меҳнат — нопложликнинг ишидир. Пахтакорларимизни оғир меҳнатдан — терим машиқатларидан қутқазиш учун партия ва ҳу-

куматимиз озмунча чоралар кўраётирми? Минг-минглаб чиқарилган шундай машиналарнинг бирида Мелиқўзи бир кунда етти тоннага етказиб пахта терган экан, бунинг нимасига шубҳа қилиш керак? Биз Мелиқўзи Умрзоқовнинг тажрибаларини синчликлаб ўрганишимиз ва кечиктирмасдан оммалаштиришимиз керак!»

Мелиқўзи даласига етиб келдик.—Машина бир кишига боғлиқ эмас экан, муллака,— деди Мелиқўзи уҳ тортиб. Унинг юрагида кўп дард борлиги шундоқ содда, қорача юзидан кўриниб турарди:— Яхши созланган, машина теримиға мослашган жойдан бир кунда 7 тоннагача пахта тердим... Худо хоҳласа, келгуси йили ўзим машинага мослаб пахта экаман...

Гапни яна ишга буриб юбордим... Мана, Мелиқўзи билан сухбатлар ҳақида дафтаримга шумадар битган эканиман ўшандар.

Мелиқўзи бригадасидамиз. Бизни кутиб олган колхоз раиси Аҳмаджон Одилов ўз хўжалиги билан таништириди.

Дарёнадан ҷурниши колхоз хўжалигининг тез ривож топишига яхши таъсир кўрсатди,— лели у.— Бир миллион етти юз сўмга қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олдик. Техникага ўзимиз хўжайин бўлиб олганимиз учун ундан яхшироқ фойдаландик. Натижада бир минг тўрт юз гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозирданоқ ўттиз центнердан ҳосил кўтардик.

Негадир бу ерда Мелиқўзи кўринмасди. Атрофда эркак-аёл колхозчилар икки букилиб пахта терардилар. Мен ариқ марзаси устига чиқиб, узоқ-узоқларга кўз таштадим. Ҳеч қаерда терим машинаси кўринмасди. Теримчилар депгизда сузиб юрган ўрдаклар сингари пахтазорга ёйилиб кетгандилар.

Раис бир колхозчига ниманидир буюрди-да, сўнг худди қадамини санаб босаётгандек аста-аста юриб, менинг олдимга келди.

— Мелиқўзи Умрзоқовнинг пахтаси ана шу. Ери эллик беш гектар. Қирқ центнердан ҳосил кўтарди. Ҳазилакам юк эмас, тўғрими?— дер эди у,— синамоқ учун сиз шу ютуқ билан уни табриклаб кўринг-а, нимадер экан?

— Нима дейиши мумкин? — сўрадим мен.

— Гаши келади.

— Ўз ютуғидан гаши келса, қизиқ табиати бор экан,— кулдим мен.

— Қизиқ ҳам гапми? — уқтириб гапиради Одилов, — бўлмаса ютуғидан норози бўлиб гапирган одамии кўрганмисиз?

— Шундай одамлар ҳам борки, борини ошириб, йўғини яширишга уста бўлади. Ўзи мақтанишни яхши кўради-ю, бирон кишидан танқид еб қолгудек бўлса, кек сақлаб, пайт пойтаб юради. Мелиқўзингиз бошқа бир дунё экан. Булар учун ютуқнинг ўрта миқдори бўлмайди. Улар бугун етган маррам эртанги кун учун орқада қолган босқич деб биладилар. Шунинг учун ҳам бундайлар ўз ютуғидан қаноатланмайдилар. Бошқалар эгаллай олмагай чўққиларни эгаллашга ҳаракат қиласилар.

— Мақтагулик ишимиз у қадар кўп эмас,— деди Мелиқўзи.— Яхиси, камчиликлардан гаплашсак дейман. Балки ҳурматли меҳмонларимизнинг саволлари бордир. Бизда ҳали ечилмаган аллақанча тугун-тугунчалар бор. Ёзувчи ўртоқларимизнинг ёрдамлари билай бу чигалларнинг учини топиб олсан, ёмон бўлмасди. Мана ҳозир биз қолган-қутган пахтала-римизни қўлда тераётимиз,— деди майдондаги теримчиларни кўрсатиб Мелиқўзи.— Бу ерда мутлақо машина айбли эмас. Айб бизда! Колхозимизнинг кўп майдони юқори ҳосил

беришга яроқли бўлса-да, пахтасини машина билан терйшга яроқсан. Ёр қапчалик текис бўлса, ғўзани парвариш қилиш щунча қулайлашади. Ҳали бизда камчиликлар оз эмас. Хатоларимиз ундан ҳам кўп.

— Қанақа хато? — сўрадим мен.

— Хато деган, чамамда, қўполроқ эши билса керак. Майли-да, одатим шунақа, тўғри гап турганда тилёгламалик қилишнинг нима кераги бор? Механизация тарафдори бўлиб, мажлисларда оғиз кўпиртирадиган акамларни мендан кўра яхшироқ биласизлар. Партиямизга раҳмат, баъзи бир тили бошқа, дили бошқа акамларни ибрат учун боплаб туртиб қўйди. Буни газетада ўқидик. Бундай раҳбарлар машиналарни сотиб оладилар. Лекин ишлатиш учун эмас, «хўжа кўрсин» учун. Газета турткиси ҳар қалай фойда берди. Сводкаларда машина терими проценти ўргаситадиган бўлиб қолди. «СХМ—1,2» терим машинасини ёмон дегапларнинг ўзлари ёмон.

Шу гап устила тўлаплан ажратлиб, каёккалиб қолди-да, дарҳол гапга аралашди:

— Афтидан, машинангизга дам бериб, ўзингиз ҳам теримчилар билан пахта тераётган кўринасиз?! — деди Мелиқўзига қараб.

— Кечирасиз, меҳмон, — деди Мелиқўзи бир оз ўнғайсизланиб, — тўғри, машинамиз ҳозир дам олишда. Аммо сиз ўйлаганингиздек ёмон ёки ношуд бўлгани учун эмас. Машинамиз ўз вазифасини ҳалоллик билан бажариб қўйди. Ҳозир биз пахтани қўлда тераётган бўлсак, бунинг сабаблари бор. Ана шу сабабларга ёлғиз сизнинг эмас, ҳамма колхоз раисларининг, барча ҳамкасабам — тракторчи, механизатор ўртоқларимнинг, далачилик бригадалари бошлиқларининг диққатларини

тортгим келарди. Бизнииг колхозимиз гарчи бу йил саккиз юз гектар ерга квадрат уялаб чигит экиб, икки томонлама ишлов берган бўлса-да, бу майдонлардаги пахталарни машинада териб олмоқчи эмасдик. Шунга қарамай икки томонлама ишлов бериш колхозимизга катта фойда келтирди. Культивация кетмон ишини қарийб сиқиб чиқарди. Кетмончи хотин-қизларимизни яна бир оғир меҳнатдан бутунлай озод қилиш имкониятини вужудга келтирди. Пахтани машинада муваффақиятли териш учун аввало, ер текис бўлиши керак. Машина билан пахта теришга бел боғлаган колхоз, албатта, тайёргарликни кузда бошлиши керак. Иккинчидан, терим машинаси кирадиган майдон алоҳида эътибор билан экилиши керак; учинчидан, энг муҳим ва пировардида ҳал қилувчи шарт: ғўзани ғовлатмасдан, бўйига торттирмасдан тарбиялаш керак. Бу мақсадга эришмоқ учун ғўза яганасига жиддий эътибор бериш зарур. Пахтани сувга чўмилтирумай, танаси бақувват, сершох ва сершона бўлишига эришиш керак. Мана шу шартлар мавжуд бўлиб, ҳамма колхоз ва совхозларда терим машинаси талаб қиласидиган тадбирлар изчиллик билан амалга оширила борса, секин-аста шаҳар халқини, мактаб ўқувчиларини, сўнгроқ колхозчиларнинг ўзларини ҳам теримдан озод қилиш мумкин бўлиб қолади. Албатта, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Аввало, колхоз раҳбарлари, бундан кейин пахтачиликнинг ривожи техникасиз, терим машинасисиз мумкин эмаслигини тушуниб олишлари, машинага бўлган ишончсизлик касалидан халос бўлишлари керак.

Эртасига биз Намангандаги қайтиб келдик. Мен «Намангандаги ҳақиқати»га йўл-йўлакай «Мелиқўзи» очеркини тақдим этдим.

Тошкентга қайтиб келгунча «Мелиқўзи» асосида кенгроқ бадий тўқима ва публицистик руҳ билан сугорилган «Карвонбоши Мелиқўзи» очеркимни тайёрладим ва уни тез орада республика радиоси эфирга таратди. Бу Мелиқўзи ҳақидаги биринчи ростмана очерк, у бошлаган улкан ватанпарварлик ишига билдирилган биринчи ишонч эди. Қейинчалик Мелиқўзи менга бу ҳақда: «Назир ака, энди мени бу йўлдан ҳеч ким, ҳеч қандай куч қайтара олмайди», деб хат ёзибди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ўша кезларга тўғри келган навбатдагиplenумида ўртоқ Ш. Р. Рашидов Мелиқўзи Умрзоқовни олқишилаб тилга олиб ўтди.

Мелиқўзи — паҳтачиликдек оғир меҳнатни механизациялаш йўлида биринчилардан бўлиб оёққа қалқиган ана шунлай толмас курашни эти. Умрзининг синирине қадар бу йўлдан дадил борди, сўзининг устидан чиқди. «Мелиқўзи» очерки «анда бордик-бунда келдик...» леган шаблонлан қошиб, отти ўйланик

ёзувчилар рейд бригадасининг чинакам ҳаёт қучоғидан топилган навбатдаги ўзига хос кашфиёти эди.

— Ҳаёт фақат яхшилардангина иборат бўлмагандек, бинобарин, адабиёт ҳам фақат ижобий қаҳрамонлардан иборат эмас. Демак, ҳаёт салбий қаҳрамонлардан хали тўла-тўқис фориғ бўлмаган экан, ёзувчи Мелиқўзи, Турсунойлар каби ҳаёт қаҳрамонлари қаторида, уларнинг акси ўлароқ, ҳаётда енгил шуҳрат йўлини таилаган «пушфак қаҳрамон»ларни ҳам кашиф эта билиши керак! Бу «анда бордик-бунда келдик»ка нисбатан айча мураккаб. Бу кашфиёт эса, ўз эвазига ёзувчидан катта

сезгирик, партиявий ҳушёрлик, дадиллик ва ҳақиқат учун фидойилик талаб қилади.

## ФОЯЛАР ТАНТАНАСИ

Бу воқеани салкам 15 йилдан кейин — ма-на, яна әслашга түгри келди...

Газетанинг янги сонларидан бирида «Правда Востока» материаллари изидан «Принципиаллик қани?» сарлавҳали жавоб хати босилган эди. Ёзувчи Назир Сафаров кўпдан буён бундай ҳайратли материалга дуч келмагандай бўлди. «Наҳотки шундай бўлса, наҳотки шу рост бўлса... Наҳотки яна ўз жо-йида қолаверса... Ё алҳазар, алҳазар... Биз қайси замонда яшаяпмиз ўзи. Бу ўша машҳур Соиб Назаровми?»

Ҳамма гап ўша йилларда республикага довруги кетган машҳур раиснинг кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган кирдикорлари ҳақида эди. Ёзувчи унга биринчи кўз ташлашдаёқ юрагида аллақандай бошқача ҳис сезди. Ички бир титроқни босишга бир зум ожизлик қилиб қолди. Одатига тескари тарзда иккинчи бор ҳижжалаб ўқий бошлади.

Ўша йилларда Соиб Назаров ҳақида эл оғзида юрган гаплардан бир шингил: «Улоқ кимда кетди, кимсан Соиб Назаровда! Мирзачўлда пахтани ким дўндириди, Соиб Назаров! Ким энг юқори ҳосил олмоқда, Соиб Назаров! Кимсан Назаров, кимсан фалончи!»— Бу иборалар фақат оғиздагина эмас, амалда ҳам минбарлардан айтилган нутқлар, докладлар, ахборотларда ҳам ана шундай тилга олипарди.

Нима бўлди, бир кунда, бир соатда, тўғриси, шу дақиқаларда ёзувчи кўз ўнгига чархпалақ тескари айлангандек бўлди. Бунинг ҳаммасига мана шу газета сабабчи эди.

Жавоб хатидан парча келтирамиз:

«Ташкент область партия комитети «Принципиаллик қани?» сарлавҳали танқидий материални навоатдаги оюро мажлисида кўриб, унда баён этилган фактлар тула тасдиқланганлигини эътироф этади.

Гулистон районидаги Ленин номли (бу колхоз яқиндагина ташкил этилган Комсомол райони составига киритилди) колхознинг раиси Соибжон Назаров сўнгги йилларда хўжалик ҳаётига бефарқ қараб, қишлоқ хужалигининг бир қанча тармоқлари буйича йил сайин қолоқлашиб борилаётганлигининг сабабларини чуқур ўрганмаган. Ўз фаолиятига танқидий назар билан қарамаган. Колхоз аъзоларига нисбатан қўпол муомалада бўлган, уларнинг фикри билан ҳисоблашмаган.

С. Назаров енгил обрў ортидан қувиб, давлатни алдаш йўлига ўтио олган. Қўзбўямачилик ва ошириб езиш билан шуфулланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам ана маҳсулдорлигини оширишнинг илмий ва амалий йўлларини излаб топиш, уни чуқур ўрганиш ва чинакам йўлга қўйиш ўринига С. Назаров нопок йўлни танлаган: унинг кўрсатмаси билан магазин ва бозорлардан сариёғ, жун, тухум, гўшт ва бошқа маҳсулотлар сотиб олинган ва колхозда тайёрланган ҳисобда давлатга топширилган. Бундай қонунсиз операция оқибатида хўжалик катта зарар ботқоғига ботиб қолган.

Шахсий бойлик орттириш йўлига ўтган С. Назаров сўнгги йилларда раҳбарлик обрў-эътиборини йўқотган. Колхознинг учта енгил автомобили билан қаноатланмай, у ўз ўғлига «Волга» автомашинаси сотиб олиб берган.

Шунингдек, укаси колхоз ҳосплоти Н. Назаровга ҳам шахсий машина олиб беришда кўмаклашган. Колхозда катта майдонда боғли, чорбоғли уй-жойи бўла туриб С. Назаров Тошкент шаҳридан ўзига данғиллама участка сотиб олган.

С. Назаров колхозда раҳбар кадрларни ташлаш ва уларни ўз ўрнига қўйишда ҳам қўйпол хатоларга йўл қўйган. С. Назаров кадрларни у ёки бу мансабга қўйишда танишибилишчилик ва қариндошчиликка асосланган.

Область партия комитети шуни кўрсатиб ўтадики, колхоз раиси С. Назаровнинг қўйпол хатти-ҳаракатлари ва жиноий ишларининг олдини олиш ва ўз пайтида очиб ташлашда колхоз бошлангич партия ташкилоти катта имкониятга эга бўлса-да, ўз ҳуқуқидан мутлақо фойдаланмай, колхоз раисининг қўйпол хатти-ҳаракатларига етарлича партиявий баҳо бермай келган.

Область партия комитети қарор қиласди:

С. Назаров КПСС сафидан ўчирилиши ва колхоз раислиги вазифасидан олиб ташланиши лозим эди. Бироқ унинг ўз хатоларини чуқур тушуниб етганлиги ва тан олганлиги ҳамда бу хатоларни тузатиш ва келгусида такрорламаслик учун қатъий сўз берганлигини эътиборга олиб, унга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан ҚАТТИҚ ВИГОВОР берилсанн...»

Қизиқ, ҳаммаси тасдиқланибди, ҳаммаси рост. Буларни область партия комитетидек мўътабар орган тасдиқлаб турибди. Бироқ мана бу икки ҳақиқат сира мантиққа тўғри келмайди:

Юқорида зикр қилинган ўғрилик, кўзбўя-

мачилик, ошириб ёзиш, давлатни алдаш, мансабдан фойдаланиш, қариндош-урұғчиликка берилиш, одамгарчиликдан айрилиб, шахсий бойликка ҳирс қўйиш, қўша-қўша уйлар—ҳаммаси-ҳаммаси тасдиқланади ва... виговор берилади!

Жиноятчи, тўла айтиш мумкин, ашаддий жиноятчи силлиққина виговор билан ўз жойнда ялло қилиб, эски қўшигини айтиб қолаверадими? Бу ахир бизнинг жамиятимиз мантиғига сира-сира тўғри келмайди-ку. Энг даҳшатлиси — партия сафида қолдирилибди! Бу руйхатдаги жиноятларнинг юздан бири тасдиқланса ҳам эски ашула тўхтатилиши керак эди-ку? Бундай одам партия сафида туришга, коммунист деган улуғ номга мутлақо нолойиқ-ку?

Таъба, одамларнинг юзига обек қўйиш қатондан өуен шунчалик осон оулно қолди!?

Бироқ, бу саволнинг ҳаммасига бирма-бир жавоб топиш, уларнинг ўрнини бирма-бир санааб қўйишни келиштиришни ўзимни бу тарифни маънавоо оеришдан олдин езувчи яна оир муаммога дуч келди. Совет ёзувчисининг гражданлик бурчи, партиявий вазифаси, виждан амри-чи? Уларга қандай чегара бўлиши мумкин? Ана шу саволлар билан аввалги барча шубҳа-андышалар чилпарчин бўлган эди.

— Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, — дерди ёзувчи ҳамон сарак-сарак бош чайқаб.— Биз бундай «адолат» тарафдори бўлолмаймиз. Бундай кўнгилюмшоқлик орқасида қанча-қанча соф юракларга отилган ноҳақ найзалар бор. Жамиятга ҳурматсизлик бор. Катта жиноятларнинг ҳиди бор. Бу масала бундай аросат йўлда қолиши мумкин эмас. Биз ҳаммамиз, кимки бундан огоҳ бўлган бўлса, ҳоли-қудрат ўз муносабатимизни бил-

дирмас эканмиз, бурчимиизга, биринчи навбатда, коммунистик эътиқодимизга хиёнат қилган бўламиз...

Ўша йилларда «Шарқ юлдузи» журналига ёзувчи Асқад Мухтор редакторлик қиласарди. Назир ака ҳеч иккиланмай, йўлни тўппа-тўғри қадрдон «Шарқ юлдузи»га бурди. Журнал муҳаррири ёзувчи Назир Сафаровнинг муҳим гапи борлигини остоңадаёқ сезди-ю, қўлидаги газетани кўриб яна фикричувалашди.

— Асқаджон, мана шуни ўқиб, менга бир фикр айтасиз, — деди Назир ака газетани стол устига ёйиб. — Кейин менинг ҳам фикрим бор. Эшитсангиз айтаман.

Муҳаррир Назир ака қўл билан кўрсатгай материалга бирров кўз қирини ташлади-ю, бош чайқаб:

— Ўқидим, ўқидим, Назир ака, кеча ўқигандим, — деди афсус билан. — Сира тушуниб бўлмайди, нималар бўляпти ўзи. Бу ўртоқлар қаёққа қараб боришяпти?

— Ҳа, ҳа, шуни айтаман-да, — деди Назир ака соchlарини қўли билан орқага силаб.— Асқаджон, мана шу мен чизиб қўйган жойларга бир эътибор беринг-а. Ҳаммаси тасдиқланган эмиш, жазоси виговор эмиш. Эй, топгап йўлингга балли-е! Жиноят қилиш ҳам осон, жиноятни ёпишам осон бўлиб қолибди-ю. Буни қаранг-а, обком бюросп шундай қарор чиқарса-я! Наҳотки партиявий принцип, партиявий эътиқодни шунчалик унтиш мумкин бўлса? Наҳотки виждан тарк этган бўлса бу одамларни?

Ёзувчи қалбida жавобсиз саволлар сонсанпоқсиз эди. Улар туғён урар, юракда тўплашар ва қачондир портлашга шайланарди. Ёзувчининг граждаилик бурчи, коммунистик эътиқоди буларга — газетага жавоб йўллаган ал-

лакимлардан юзма-юз жавоб талаб қилишни истарди-ю, бироқ бу билан масалани узил-кесил ҳал этиш мумкин эмаслиги унинг йўлини тўсарди. Қолаверса, хизмат ваколати бунга йўл бермасди. Ҳар ким ўз ўрнида бўлганидек, ёзувчи ҳам ўз минбарида кучли. Унинг тили ҳам, қалами ҳам ўткир бўлиши керак. Шундагина ўқ мўлжалга тегади. Ҳозир айтилган ҳар қанча «ўткир гап» шу кабинетдан чиқмайди. Навбат — қаламга! Навбат — гражданлик бурчини бажаришга! Навбат — виждон амрига! Булар ёзувчини кўнгилдагиларни қофозга тўкишга ундарди.

«Замонамиз кишилари тўғрисида ёзаётган асарларимдаги жуда ажойиб илғор қаҳрамонлар образини яратган вақтимда олга ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилувчи худди ана шу Назаров сингариларни салбий тин қилиб кўрсатиб, уларни вужудга келтирган саоатлар, шу жумладан, чирик либераллик муносабатларини шафқатсиз фош қилишини ис-

Ёзувчи бунчалик жон куйдирганининг сабаби бор эди. Айрим раисларни баъзи ҳаётни яхши билмаган кишилар мисоли «фаришта» деб билишар ва биронта бадиий асарда улар ҳақида бирон оғиз танқидий гап бўлишини истамайдиган ҳимоячилар ҳам топилиб қолар эди. Назир Сафаров буни ўз бошидан кечирган эди. 1954 йилда битилган «Ҳаёт мактаби» пьесасида персонажлардан бири колхоз раиси эди. У ўзининг асосий иши қолиб кетиб, колхоздаги бўлар-бўлмас ишларга аралашар, воқеа давомида магазиндан бир кийимлик атлас олади. «Прилавка остидан» албатта... Муқимий номли театрда пьесанинг премьераси қўйилаётган чоғда асарнинг ҳар бир танқидий ўрнига луқма ташлаб ўтирган мутасад-

ди ўртоқлардан бири саҳнада колхоз раисининг бир кийимлик атласни қўлтиққа уриб кетаётган тасвир эпизодига келганда жойидан сапчиб туриб:

— Биз қайси замонда яшаяпмиз, ўртоқлар, қайси бир раис бизнинг замонамиизда шундай ғайри қонуний ишни қилишга журъат этади.... Шу кўриниш олиб ташлапсин пьесадан! — деб қолди.

Бироқ ҳеч кимнинг изоҳи наф бермади. «Ҳали ҳам битта-яримта топилиб қолади шундай раислар» деган ҳар қанча тушунтиришларга мутасадди ўртоқ: «Бундай раислар аллақачон тарихга айланган. Энди битта-яримта бўлса ҳам фақат музейдан тонасиз», деб ҳеч кимнинг изоҳини тан олмади. Натижада асарнинг барча жонли, реал ҳаётга яқин кўринишлари бирма-бир саҳнадан олиб ташланган ва оқибатда пьеса ҳаётийликдан маҳрум, бирмунча сунъий ҳолга тушиб қолган эди. Бу конфликтсизлик назарияси қуюқ соя ташлаган бир даврнинг бадиий ижоддаги излари эди, холос.

«Коммунистдек улуғ номга иснод келтирган, иккюзламачи, қўли кир, юраги қора, Назаровдек бузуқбош кишининг ҳамон партия сафида қолдирилиши билан менинг виждоним сира келиша олмаяпти. Ўз ярамас хулқи билан ҳалқ назаридан тушиб қолган кишининг яна раис қилиб қолдирилиши мени жуда-жуда ранжитди. Ишопаманки, ранжиганлар оз бўлмаса керак!» — Ёзувчининг қалам тутган қўллари титраб кетди.

«Замонамиз қаҳрамони, шубҳасиз, ижобий қаҳрамондир, — давом этди ёзувчининг қалами. Айни пайтда ҳаёт билан адабиётни, ҳаётий ҳақиқат билан бадиий ҳақиқат талқинини солиширипар ва умумий хуносалар чиқараарди.

Назир Сафаров ёзишда давом этди. — Биз ўз асарларимизда, бир томондан, янгиликнииг ижобий ибрати билан, иккинчи томондан, эскиликини, мешчанларча худбинлик, тўралик, кўзбўямачилик, халқ ва давлат мулкига кўз олайтириш каби ярамас иллатларни таг-томири билан қўноришини мўлжалга олишимиз керак. Бунда сатира олови қўл келади ва жуда иш беради. Ана шундагина биз коммунистик жамият кишисини тарбиялаш ва вояга етказиш ишига фойда келтирган бўламиз».

Эрта тонгда «Шарқ юлдузи» журнали муҳаррирининг столи устида муросасиз танқидий мақола пайдо бўлди. Мақола шахсан муҳаррирнинг таҳрири билан босмага туширилди. Ўша кечакуандозда журналнинг январь сони босмага тайёрланаётган эди. Мақола шошигинч шу сонга киртилди...

Журналнинг 1962 ийл январь сони уқувчинларга тарқатилди.

...Бутлеров кўчасидаги 17-уй. Назир Сафаровнига ҳосили ва оғизлини ўйда күни езувчи оола-чақаси оиласан меҳмонга кетган, кечқурун қайтишганда эшик тутқичида хат турар, унда мана шу сўзлар ёзилганди:

«Хурматли Назир Сафаров! «Шарқ юлдузи» журналининг 1962 ийл, 1 январь сонида сизнинг «Бу қандай принцип?» деган мақолангизни ўқиб колхозимиз аъзолари бошлири кўкка етди. Адолат ҳам бор экан-ку. Биз, «Ҳақиқат бизлардан юз ўғирган», деб юрадик. Қарийб 10 ийлдан бери ечишмай келаётган тугуннинг бир учси очилгандай бўлди. Сизга қандай миннатдорчилик айтишини билмай турибмиз. Колхозимиз аъзолари бизни вакил қилиб юборишди. Сиз билан гаплашиб оладиган мұхим гапларимиз бор. Келсак йўқ

экансиз. Биз яна келамиз. Безовта қилгани-  
миз учун узр.

Ленин номли колхоз аъзолари...»

Кўклам кунлари эди. Осмонни қоплаган  
қора булутнинг бир чети йиртилиб, онда-сонда  
юлдуз милтилларди. Осмондаги ҳавонинг ав-  
зойи ердаги одамнинг кўнглига қанчалик  
таъсир қилишини ижод кишилари яхши били-  
шади. Ҳаво тунд кунларда ногаҳон елкага юк  
ортилгандай одам оғирлашиб юради. Ҳозир  
ана шу юкнинг бир қисмини табиат енгиллаш-  
тираётган эди. Назир ака ярим тунда ёзаёт-  
ган қиссасини маълум нуқтада тугатди-да,  
кўклам ҳавосидан симиргани ташқарига чиқ-  
ли. Унинг бутун қалбини ўша кезларда бита-  
ётган «Узоқни кўзлаган қиз» қиссаси эгалла-  
ганди. Қиссанинг янги драматик ҳолатлари,  
персонажлари ва воқеалари устида хаёл су-  
риб юрган шу ярим кечада бехосдан дарвоза  
ортида ғала-ғовур шарпалар эшитилди. Алла-  
қандай юк машинасининг мотори уй яқинига  
келиб ўчди. Одамларнинг шовур-шувур гап-  
лари эшитилди. Орадан бир неча минут ўтиб  
дарвоза такиллади.

— Назир ака-а, хў Назир ака!

— Ким?— леди Назир ака ҳовлидан туриб  
ва дарвоза томон юрди.

— Тўхтанг, тўхтанг, — ичкаридан Мукам-  
бар ая отилиб чиқди.— Тўхтанг, сиз очмалг.  
Назир ака, сиз очманг. Қани, мен қарай. Ким  
экан бемахалда юрган...

Мукамбар ая ҳаллослаб Назир акани ич-  
карига «ҳайлали». Бу ёхтиёткорлик мохият-  
эттибоди билан ўқувчига туннупарли бўлса  
корак. Сўнгги пайтларда «Шарқ юлдузи» та  
қачонки ўша мақола босилгандан бўён Му-  
камбар ая алламбало тушлар кўриб юрар.

кўп ҳолларда тушга ишонмаса-да, ич-ичидан куйиниб қўярди. «Кимсан бутун республикага илдиз отиб кетган раис билан пачакилашиб ўтириш бир балога олиб келмаса гўрга элида... Эй, сизга ҳайронман, Назир ака! Энди бир бало бўлмаса гўрга эли. Кимсан Соиб Назаров деб қўйибдилар. Мен ўзим (ая касби бўйича врач) уни кўп марта биринчи стационарда кўрганман. Катталарнинг боши ёстиққа етди легунча Соиб Назаров қатнагани-катнаган. Улар истаса-истамаса раис ҳушомад килиб келаверади. Нима киласиз шундай тўлибтошган одамга тош отиб. Кўп томонлар билан томири бирлашиб кетган. Мана энди тош отиш бунлоқ бўлали, леб, кутилмаганда бошингизни ёриб қолмаса бўлди...» Шу хаёллар билан Мукамбар ая ларвозани доим тамбалаб кўяд, нун ботди даргинча Назир акаши ору кўкка ишонмасди. Ўша мақола чикқандан бунён кечалари Назир акага дарвоза очиргани йўл кўймасли

\*

Ёзувчи Назир Сафаров ҳақиқат учун юзмажуз курашга чоғланиб, Мукамбар аяга сафар анжомларини тайёрлашни топшириб, ўзи кўчага чиқиб бироз ўйланиб қолди. Шу кезда у нималарни чамалади. Нималарни хаёлдан ўтказди. Буларни санаб улгувиш қийин. Дилидаги бор гапни ҳамкасб дўстлар даврасига тўкиб-солиш учун ўша пайтда Братская кўчасида жойлашган ёзувчилар союзига йўл олди.

— Мана менинг таклифим, — деди у дўстлар даврасида ёрилиб. — Энди сизлар маслаҳат беринглар. Ким ҳақ, ким ноҳақ. Бу воқеалардан кўз юмиш мумкинми? Виждон азобланмайдими?

— Биз сизни қувватлаймиз.

— Сиз ҳақсиз, Назир Сафарович!

— Биз сиз билан бир сафдамиз!

Ёзувчи Назир Сафаровни биринчи бўлиб қувватлаган, унга далда бериб, ҳақиқатга ён босганлар орасида ҳурматли адилларимиз — Комил Яшин, Уйғун, Зиннат Фатхуллин, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Одил Еқубов ва бошқалар бор эди.

Минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йилнинг саратон кунларида Мирзачўл сафарига отланган ёзувчилар рейд бригадаси қуёш тиккага келган қайноқ маҳалда Ленин номли колхозга етиб келишди. Ўша кезларда раис Соиб Назаров томонидан йўл бошига қўйилган айғоқчи ариқ ёқасига чайла тикиб, «полиз қўриқчиси» ниқобида меҳмонларни биринчи бўлиб кутиб олиш ва хабарини раисга етказиш ниятида кўзи тўрт бўлиб йўл пойларди. Қишлоқдан анча четга чиқиб, ёлғиз оёқли тутзор орасидан кетаётган бу йўлнинг қаерда тугаб, қайси манзилга элтиши мезбондан бўлак барчага сирли жумбоқ бўлди. Фақат битта енгил машина сиғадиган торгина асфальт йўлак чуқур чўл қўйнига — жуда ичкарига кириб, бир учи нақ Сирдарёнинг бўйига етиб борарди. Ёзувчилар бу ерда — дарё арғимчоқдек ҳалқа солган табиатнинг сўлим масканида, жазира-ма Мирзачўлдан анча узоқларда, ҳар қандай дунё ташвишлари ва гап-сўзларидан четда, колхознинг, тўғриси, раиснинг ёзги истироҳат боғи, икки қаватли нақшинкор меҳмонхона рўпарасидан чиқиб қолишди.

Колхознинг молиявий-хўжалик балансида бу шоҳона қаср — 8- бригаданинг дала шийпони ҳисобланиб келинар, аслида эса бу ерга колхозчи тугул, раисга бегона кимсаннинг қадами ҳам етмас, Соиб Назаровнинг ярим умри шу жаннат қўйнида кўнгил кўчасининг хуш-

ликлари билан ўтиб келарди. Умр ана шундай ширин ва азиз ўтиб турган шоҳона кунларнинг бирида, осмондан тушдими, ердан чиқдими, бирдан... «Шарқ Юлдузи» журнали қишлоқда қўлма-қўл бўлиб кетди. Соиб Назаров учун бу сира кутилмаган гап эди. Шу пайтгача етти ухлаб тушига кирмаган Назир Сафаров деган ёзувчи нақ пистирмадан туриб бошига оғир гурзи билан туширгандай бўлди. Раиснинг оғир гавдаси довулдан тебранган чинордай бир чайқалди-ю, ўзини тутиб олди.

Соиб Назаров ажабланарди: «Эй, ёзувчи, Соиб Назаровни танийсанми ўзи? Арпангни хом ўрдими у? Сенга нима ёмонлик қилди? Езувчи деган зотнинг бошидан жонимни ҳам аямас эдим-ку? Манаман деган шоирлар, Мирзачўлни ўрганаман, ҳаётга яқинроқ бўламай, деган адиллар қаерга кетарди, тўшнагури Союз глазаровнинг уиига. Этагимни маҳкам тутиб бир оғиз маслаҳатимга маҳтал бўлиб қаерда ётарди — мана шу боғларда. Окнишчи нима бўлди? Нажиб Сийахон аввало езувчига оуларнинг нимаси еқмаи қолди? Үирга ўтириб, био пиёла чой ичмаган, умри бино бўлиб кўзи кўзига тушмаган бу ёзувчининг «пакиб» бўлиб қолишига не сабаб? Ё «салтапатим» синишидан бир далолатми бу? Ишининг оркага кетса қўлингдаги Исфаҳон қиличи сувга ўтмай қолади, деган экан машойихлар. Омадинг кетса, осмонга отилган бафча тош сенинг бошингга келиб тушармиш. Омад келганда эса пахса деворга минсанг, от бўлиб, тулпор бўлиб учиб кетармиш. Бу ниманинг белгиси?! Ишимиз ортга кетдими? Шунча йиллар олга босган қадамимиз энди цобоп бўлиб қолдими?

Чопва учун ҳам азиз жонимизни қийнаганимиз йўқ. Қаловини топсанг, қор ёғади деган-

лари рост. Сут согиб, мол боқиб, хашак тўп-лаб, беда экиб юриш йўқ. Кунжара топ, лавлаги эк, макка эк, деб югурмадик. Давлат сариёни магазинда сотиб турибди. Ўзидан олдик, ўзига топширдик. Бошиқа давлатдан келтирганимиз йўқ. Сариёф бўлса, сут ҳам, қаймоқ ҳам бўлаверади. Бирини иккисини қоплаб кетаверади. Гўштни бўлса бозордан истаганча толиш мумкин. Планларини доимо бир эмас, икки ҳисса бажариб турдик. Бозор катта майдон, имконият кенг. Истасак икки, истасак уч ҳисса бажарамиз. Ҳар қанча чиқим бўлса мукофот билан ўрни қопланиб кетаверади.

Давлат планлари сиртдан ана шундай «гуллаб», «олға босиб» боравергач, колхоз ич-ичидан емирилиб кетса ҳам ҳеч ким «нима қиляпсиз, қаёққа қарайпсиз, ўртоқ Назаров?» дея олмади! Ботиниша олмади! Тошкентдаги қадрдон ҳамشاҳарларимиз йилда, ойда бир-икки йўқлаб қўйсалар бас, биз уларни ўла-ўлгунча йўқлаганимиз-йўқлаган. Уларнинг шарофати билан районом ҳам, исполком ҳам қаерда — Ленин номли колхозда — Соиб Назаровнинг қароргоҳида. Не-не одамлар унинг бир ишорасига маҳтал.

Бора-бора мен судларни «суд» қиласигап, прокурорларга иш топширадиган, районом ва районисполкомга ақл ўргатадиган, бошқаларни эса қўйл эмас, оёғим билан кўрсатадиган даражага етишдим. Наманганда Мамадали Икромов, Оржоникидзе районида Абдуқодир Матёқубов, Янгийўлда устозим Йўлдошли Эсонқулов каби дўстларим билан «ол табоғим, бер табоғим» бўлиб, борди-келдини, ҳимматни авж олдириб юравердим. Боғларимиз, меҳмонларимиз, сирли қасрларимиз бир-бирларимиз

учун кенг очилған фарогат масканлари бўлди.  
Бундай жойлар жаннатда ҳам йўқдир.

Қишки, ёзги дачаларим торлик қилиб қолди. 60 минг сўмга уй қурдирдим. Бола-чақага ҳам бир жой керак. Қолаверса, мулк! Янги уйга 8 минг сўмга олти комплект мебель келтирдим. 12 та шоҳона уйни безаш осонми? Бунга ҳам қаноатланмай, Тошкентдан каттакон боғли участка сотиб олдим. «Волга»нинг оёги остида Тошкент нима, бир ярим соатлик йўл. Пойтахтда, турфа жононлар бор ерда шундай гўзал ва энг муҳими, пинҳона бошпананинг бўлганига нима етсин. Ўша уйга ҳозир кимни қўйсам экан, деб бошим қотиб турибди.

Булар ҳаммаси яхшику-я, лекин бир нарса тишга теккан гуручдек сал ёқмай турибди,— одатга кўра мўйловининг учини ғижиниб тишлади Соиб Назаров.— Назир Сафаров деган тушумчанинга шунгича ўзди... Назир Сафаров... Ҳм, қаерда эшитган эдим бу фамилияни. Ўша бало-қазо «Шарқ юлдузи»да кўрган эканман. Касбинг ёзувчи экан ёзибсан раҳ-

қалам ҳақи олдинг? Юз олдингми, иккӣ юз олдингми, мукофотга от билан тия олмагандирсан, ахир. Ўзимга келмайсанми, ака, гап бундоқ, ёзмасам бўлмайди, тириклик чатоқ, демайсанми. Оқ «Волга»ни миндириб юбормасам номард бўлай!

Мана энди буёғи ўнта «Волга»дан қимматроқ тушиб турибди. Беш панжасини санолмайдиган мункиллаган чолдан тортиб боғча болаларигача ўқиб чиқибди. Кеча Салим Сувоний адабиёт дарсида болаларга ўқиб бериб турганини кўрган одамлар бор. Ўша шоирчанинг уйига бульдозерни юбордим. Текислаб ташлайди. Уйи «плансиз» қурилган. Бундай йўллар кўп раисда. Ҳали унча-

мунча одамлар билан курашишга кучимиз етади. Фақат мана шу журнал билан Назир Сафаров деган ёзувчи нобоп жойдан чиққан чипқондай ҳаловатимдан айириб турибди.

Ўша йилларда республика рўйхатида Ленин номли колхоз ё биринчи, магар биринчи бўлмаган тақдирда, муқаррар иккинчи ўринда тилга олинарди. Бу ердан бир вақтлари ажойиб меҳнат кишилари етишиб чиққанини унутмаслик керак. Улар чўл ва тўқай ўрнида 40 центнердан пахта етиштирган Фанишер Юнусов ва унинг издошлари эди. Лолаҳон Эрбўтаевалар мана шу районнинг фахри ва кўрки эди. Бу ва булар ҳақида ҳурматли адабимиз Абдулла Қаҳҳор ўзининг машҳур «Юринг, ошна, чўл қуввлаймиз!» очеркида жонли ва батафсил ҳикоя қилиб берганди.

Улар орасида фақатгина раис Соиб Назаров ишончни оқламади. Ёзувчилар рейд бригадаси колхозда икки кун қолиб яшаган маҳалда, раис билан бўлган узоқ мулоқотларда, колхоз аъзолари билан тонготар суҳбатларда, коммунистлар билан бафуржа гап-сўзларда шунга амин бўлиндики, Соиб Назаровнинг ҳақиқий башараси ҳали адабиётда мутлақо яратилган эмас. Бундай образ учун яна Абдулла Қаҳҳорнинг ўзидай забардаст, теран ёзувчининг қалби ва кўзи керак!

Рейд бригада аъзолари ўша ёзги дачада ўтириб колхоз ҳақида, унинг ҳақиқий аҳволи ва жинояткор раҳбарлари ҳақидаги машҳур мақолани ёздилар. «Ҳар ҳолда қаерда принципиаллик?» («Где же все-таки принципиальность?») сарлавҳали танқидий мақола «Правда Востока» газетасининг навбатдаги (1962 йил, 22 июль) сонида босилиб чиқди. Бу «Шарқ юлдوزи» журнали (1962 йил, 1-сон) бошлиған ташаббуснипг давоми эди.

Топталган, камситилган, унутилган ҳақиқат ва принципиалликни тиклаган ўша мақолани Назир Сафаров ва унинг ҳамкасб дўстлари—Комил Яшин, Уйғун, Зиннат Фатҳуллин, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин ва Одил Ёқубовлар имзолаган эдилар.

Орадан бир ҳафта ўтиб, ҳали обкомда сув сепилгандай сукунат ҳукм суриб турган бир пайтда республика Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми чақирилиб қолди. Марказий Комитетнинг иккинчи секретари ўртоқ Карлов «Шарқ юлдузи» журнали ва «Правда Востока» газетаси позициясини маъқуллаб: «Ҳа, ҳали орамизда Соиб Назаров каби жиноятчи раислар ва уларнинг суюнчиқ-ҳомийлари бор ва бамайлихотир яшаб келмоқдалар. Партия ва халқ ишончини оқламаётган бунтай раҳбар ҳодимлар билан хайрлашиш учун аллақачон тўла вазият етишган булишига қарамай, баъзи ўртоқлар уларни ҳамон мақтаб, олкишлаб юрибдилар!» деб саваб қолди.

хушхабарлар келтирди. Газета навоатдаги бош мақолаларидан бирида шундай деб ёзган эди, «...ўзбек ёзувчилари катта ижодий ташаббуслар оғушида яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз ижодий меҳнатлари билап республика партия ташкилотига катта кўмакдош бўлмоқдалар...», деб уқтирилган бош мақолада. «Шарқ юлдузи» журнали ва «Правда Востока» газетасида босилган юқоридаги мақолалар тилга олиб ўтилганди.

Ана шулардан кейингина Тошкент область партия комитетининг қисқагина жавоб хати газетада босилиб чиқди:

«...Ленипномали колхоз правлениесининг раиси С. Назаров вазифасидан четлатилди ва

КПСС сафидаи ўчирилди. Колхоз молиявий-ревизия актлари тергов органларига топширилди...»

\* \* \*

\*

Мана, ёзувчи ҳаётидан бир лавҳа. Унинг хизмат вазифаси нималардан иборат, ўзингири тасаввур қилишининг мумкини. Унинг хизмат ваколати шу қадар кенгми? Аслида бу коммунист ёзувчининг ҳаёт ва социалистик жамиятга бўлган қарашининг, юксак идеалининг, фоявий эътиқодининг рамзи, ифодаси эди, холос. Шунинг учун коммунист ёзувчи партия аъзолигига нолойиқ «рақиб» билан ойлаб курашди. Шу пок эътиқоддан куч топиб, қувват олиб, ҳақиқат томон дадил интилди. Лекин Соиб Назаров буни тушунармиди? У эса, кимнинг арпасини хом ўрдим, деганча коммунист ёзувчининг фоялар курашини бир умр тушунолмай ўтиб кетди...

Ҳақиқат тантана қилди. Эртами-кечми ҳақ қарор топди. Ёзувчининг виждони тинчили. У енгил нафас олди. Оlamda фоялар, эътиқодлар курашининг ғалабасидан зўр галаба ва улуғ тантана борми? Инсонга, коммунист ёзувчига буидан катта баҳт бўлиши мумкинми?

Коммунист ёзувчининг «Шарқ юлдузи» минбаридан айтилган бир луқмаси лепинича муросасиз принципialлик ва чинакам партиявий вазифани ўтаган эди...

# МУНДАРИЖА

Ҳаёт бўёқлари . . . . .	3
«Қизил Ўзбекистон» йўлланимаси билан . . . . .	16
Ийллар ва ўйлар . . . . .	18
Танқидий очеркнинг тугилиши . . . . .	23
Ижодкор кашфиёти . . . . .	28
Ҳаёт ва тасвир . . . . .	31
«Лўли қиз севгиси» ҳакида ағсона . . . . .	41
Қаҳрамонлар изидан . . . . .	47
Узоқни кўзлаган адаб . . . . .	51
Пуфак қаҳрамонлар . . . . .	60
Эвазига фидойилик сўрайди . . . . .	78
Фоялар тантанаси . . . . .	87

*На узбекском языке*

Шараф Убайдуллаев

НАЗИР САФАРОВ

(жин. портрет)

Редакторлар: *M. Маҳмудов, B. Норбоев*

Гендер: *Л. Мусатова*

Техн. редактор *Н. Жўраева*

Корректор *M. Кудратова*

Босмахонага берилди 3/XII-75 й. Босишга руҳ-  
сат этилди 17/III-1976 й. Формати 75×90 $\frac{1}{32}$ . Босма  
л. 3,25. Шартли босма л. 4,06. Нашр л. 4,07. Ти-  
ражи 5000.

Р 09408. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат  
иашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шарт-  
нома № 179-75.

Узбекистон ССР Министрлар Советишинг Наш-  
риётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари  
бўйича давлат комитетининг 2- босмахонасида  
№ 1 қозогза босилди. Янгийўл шаҳар, Самарқанд  
кўчаси, 44. 1976 й. Заказ № 31. Баҳоси 21 т.